

САМАД ҚОДИРОВ  
ОДАМДАН ЯХШИ  
НОМ ҚОЛСИН

260 289



ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ

Тошкент — 1975



Самад Қодиров — Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. У урушдан қайтиб келгач, журналист сифатида кўпчиликка танилди. Унинг қаҳрамонлари ҳозирги фидокор меҳнатчилар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари. С. Қодиров жанггоҳларда ватан-парварлик намуналарини кўрсатган ўзбекистонлик жангчилар ҳақида ўнлаб очерклар, ҳикоялар ва «Нон-насиба» қиссасини яратди. Авторнинг мазкур асарида ҳар куни минг марта ажал билан олишиб, ўлимларни доғда қолдирган ажойиб жангчи, уруш туфайли етим қолган турли миллат фарзандларини ўз бағрига олиб уларга таълим-тарбия берган саҳоватли инсон Ҳамид Самадов босиб ўтган шонхи йўл ҳақида, ўз бурчига садоқатли оддий совет гражданининг ибратли ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилинади.

Ўз  
Қ 53

Қодиров С.

Одамдан яхши ном қолсин, Т., «Ёш Гвардия», 1975,  
95 б.

Қадыров С. Доброе имя человека,

Ўз2+9(С)27+32С2

К 70303—350  
356 [06] 75 23—75

© Издательство «ЁШ ГВАРДИЯ»— 1975 г.



## Қайнарбулоқ

Шинамгина дам олиш уйида хордиқ чиқаардик. Та-биати жудаям гўзал бу ернинг. Ҳар хил мевали дарахт-лар, токзорлар, худди садарайҳонга ўхшаш арчалар бу ернинг ҳусни-латофатини ошириб, одамнинг баҳри-дилини очади. Ҳавосини айтмайсизми, кўкракни тўлдириб нафас олганда, қушдек енгил ҳис этасиз ўзингизни. Та-биатнинг танти қўли жаҳондаги бор гўзалликни худди шу ерга тўплаб қўйгандек...

Сентябрь ойи эмасми, мева-чева гарқ пишган. Иш-комларда ҳусайнини қуёшга юз тутиб олтиндек товланади. Қоракишиш шапалоқ-шапалоқ япроқлар орасидан мў-ралаб, ҳавасингизни келтиради. Олма шохларида ҳосил гўё ипга тизиб қўйилгаидай, юқиннинг огирилигидан қад-диин кўтаролмай, таъзим қилиб турибди.

Юқорида баланд тог... У тую ўркачисимои ягриилари-ни офтобга тоблаб мудрастгандек. Фақат сайёх булутлар қояларга кафтини қўйганича, настдаги манзарага сукла-ниб қараётгандай туюлади.

Тоққа чиқаверишдаги ёлғизоёқ йўлнинг ўнг томонида қишин-ёзин жўшиб турадиган булоқ бор. У қулоч етмас ҳарсанг тошнииг қоқ белини тешиб, бор жуни билан сув пуркайди. Биллурдек тиниқ, муздек сувидан тўйиб-тўйиб ичганингиз сари тагин синқаргингиз, шу чашма лабидаги хилват жойларда хордиқ чиқаргингиз, севган кишингиз билан сайр қилиб юргишигиз келади.

Тушликдан кейин кимки мени истаса апа шу Қайнар булоқ бўйндан топади. Чашманинг теварак-атрофида ўсиб, гиламдек тўшалган майсазорда гоҳ ёнбошлаб, гоҳ чордона қуриб олиб шахмат сурганимиз-сурган. Қуёш тоғ орқасига ўтиб кетадиямки, ўйинимиз тугамайди.

Шундай қилиб денг, иккі кун қандай ўтиб кетганини сизмай қолибман. Учинчи кун тушлик овқатни еб бўлгач, яна ўша булоқ томон йўл олдим. Бу гал менга олтмиш уч-олтмиш тўрт ёшлар чамасидаги, новча, қотмадан келган бир киши ҳам шерик бўлди.

— Сўраганинг айби йўқ, бу ерга қачон келдингиз, мулла aka?

— Бугун, эрталабки машинада.

— Узлари қаердан бўладилар?

— Самарқанд тарафдан...

Бирнасда танишиб олдик. Улуғ Ватан уруши инвалиди Ҳамид Самадов экан.

У хушчақчақ, жуда дилкаш одам чиқиб қолди. Баландликка кўтарилаётуб, чақчақлашиб бораётгани эдик, у бехосдан тошга қоқилиб, йиқилиб тушса бўладими. Қўлтиғидан суяб, ўриидан тургиздим. У букилиб қолди.

— Ёмон тушмадингизми?

У ерга қаради, сўнгра чап елкасига ишора қилди: қўлидан оғир ярадор бўлганлиги шу ерда билиниб қолди.

Галати бўлиб кетдим. Булоқ ёқасигача қўлтиқлаб бормоқчи эдим, унамади.

— Ҳозир, жигар, андак тўхтаб турииг,— деди-ю, кейин қаддини ростлаб олиб, яна боягидай юриб кетаверди.

Булоқ бошига келдик. Зилол сувдан симириб, ўт-ўланилар кўрнаспига ёнишладик. Шахмат доналарини сурарканмиз, гапдан гап чиқиб, сўрадим:

— Кўлингиз фронтда яралангаига ўхшайди-а, биродар?

— Шундай, эслагим кслмайди ўша куиларни...

Суҳбатдошим бир энтикиб қўйди.

Мен унинг ярасини янгиламай деб, гапни дарров бошқа ёқса бурдим.

— Дам олиш уйи кўп гўзал экан-у, фақат бир нарса етишмас экан-да...

У ялт этиб менга қаради:

— Нимаси етишмаскан?

— Чойхонаси олисроқ,— қўлбола паловни соғиниб қолдим.

Ҳамроҳим кулди:

— Ошпаз ўзимиздан, сира ташвиш тортманг, иним.

— Ие, шунақа денг?!

— Ошпазлил ҳам қўлимииздан келади. Йигит кишига стмиш ҳунар ҳам оз. Фронтда бомбалар портлаб турган кезларда ҳам баъзан ош дамлаганмиз...

Шу-шу Ҳамид ака Самадов билан ога-иницек бўлиб қолдик. Дам олиш уйида неча кун турган бўлсам, у мендан, мен ундан шари кетмадик. Қўпинча булоқ бошида «жанг» қилиб, кеч кирганини сезмай қоламиз. Ҳамид ака одамни сира зериктирмайдиган суҳбатдош экан. Урушдан инвалид бўлиб қайтгач, турли миллат фарзандларидан ўн беш болани тарбияга олибди. Унинг саргузаштларини тинглаган сари Ҳамид акага кўпроқ мафтун бўлардим.

Мана, ўн икки кун ҳам ўтди-кетди: Ҳамид аканинг ажойиб ҳикоялари, унинг майни овози боягидек эшини-

либ турибди. Шунда бпр фикр туғилди менда: фроитда алоқачи, пулемётчи, урушнинг қизғин дамларнда эса 15 болани тарбияга олиб, вояга етказган олижаноб Ҳамид aka тўғрисида бирор нарса ёсам қандай бўларкин?

Ҳамид акани ҳам булоққа ўхшатдим. Яхшиси, гапни унинг ўзи сўзлай қолсиз.

## Москва остоналарида

Бир куни Қаттақўргон темир йўл станциясига чиқсам, солдат тушган поезд келиб қолди. Солдатлар ниҳоятда бежирим кийшишган, погонлари, фуражкалари қуийб қўйгандай. Ҳавасим келди уларга.

Келгуси куни уйдагиларга:

— Армияга кетмоқчиман!— дедим.  
— Мен ҳам сиз билан бирга бораман!— деб туриб олди укам Робижон.

— Вой ўлмасам, ёлғиз қолдириб кетасизларми? — Зорлана бошлади онам.—Укайг Азимжондан уруш бошланганидан буён на хат бор, на хабар...

Ҳа, урушнинг оғир дамлари эди. Немислар Москва остопаларига яқинлашиб қолганди. Буидан икки йил мұқаддам Совет Армияси сағнiga чақирилган укам Азимжондан хат келмаганига ҳам мана беш ой бўляпти. Тирикми-йўқми, деб онам хавотирда. Ҳеч бўлмаса сен қол, ахир бир уйдан уч киши кетса ҳаммаёқ ҳувуллаб қолади-ку, деб кўз ёши қилди онам.

Отам бўлса ўзига хос босиқлик билан:

— Ҳечқиси йўқ,— деди онамин юпатмоқчи бўлиб.— Ёвнинг йўлини тўсадиган йигитлар керак бўлиб турибди ҳозир. Иккаласи ҳам бораверсин! Сен билан мен дуо қилиб турамиз, умрини берсин!— Сўнгра иккаламизнинг кифтимизга қўлларини ташларкан, тайинлади:— Душманни тор-мор келтиргандагина она сутини ҳалол деб билинглар, ғалаба билан қайтинглар!

Шундай қилиб армияга жўнадик.

Ҳарбий қисм жойлашган шаҳарчага етиб келганимизда тонг отай деб қолганди. Бирпасда ҳаммамизни ҳар ёққа бўлиб юбориши. Ёлғиз ўзим алоқачилар ротасига тушсан бўладими.

Рота старшинаси ўзимдан ҳам новчароқ, серҳаракат қозоқ йигити мени жуда ғалати кутиб олди:

— Хўш, жўлдас,— деди у елкамга уриб,— сим ғалтакни тақтирайми?

— Қалай, қўлимдан келадими?

Старшина оппоқ тишларини кўрсатиб кулди. Кулганида қисиқ кўзлари баттар кичрайиб кетгандай бўлди.

Уни бирпас йўқотиб ҳам қўйдим. Қатор-қатор каравотларга қараб қолибман. Старшинанинг: «Жўлдас, ҳой жўлдас» деганини эшитиб тезлаб кетдим. Қарасам, у казарманинг тўридаги йўғон устунга суюнганича мени чақирияпти.

— Жахси-ку, ўртоқ старшина!— дедим унга яқинлашгач.

— Старшинаси-чи?— сўради у кўзини қисиб.

— Зўр!

Деворлари тахтадан қилинган кичиккина бир хонага яқинлашдик. Старшина эшигини очди-да, менга ишора қилди:

— Қани, кир, танлаб олавер!

Эшикдан бош суқдим. Торгина, ярим қоронғу бу уйчанинг бир бурчагида солдатбоп кийим-кечак, яна бир бурчагида ботинка, пайтавагача уюлиб ётарди. Роса титкиладим. Қайси бирини кийиб кўрмай, ичиди кўринмай қоламан. Ушанда жудаям озғинлигимдан умримда бир марта ўксиндим.

— Булар орасида биз бопи йўқ, ўртоқ старшина!— дедим.

Биргалашинб ахтардик. Менга лойигини тополмадик. Охири, старшина ўзининг сал эски кийим-кечакларини берди. Яп-янги погон ҳам тақиб олдим. Оғзим қулоғим-

да. Қийимларниң сал оҳори тўкилган бўлсаям худди ўзимга қуиб қўйгандек. Аканг қарағай бир юмалаб кетворган солдат бўлдим-қолдим.

Старшина мени ҳам рота рўйхатига тиркаб қўйди. Кечқурун ротадаги йигитлар машқдан қайтиб келишди. Солдатларнинг юз-кўзлари чанг, роса чарчаганга ўхшайди. Буни дарров пайқадим.

— Қаёқларда бўлдинглар?— деб сўрадим пучуқроқ солдатдан.

— Балиқ овига бордик, роса маза қилдик-да,— деди бир солдат.— Сен бўлганингда бедана овлардинг.

Кулги кўтарилди. Мен ҳам кулдим. Солдатлар мендан тамаки сўрашди. Умримда чекмаганман дедим.

Старшина кечки овқатга деб команда бериб қолди. Солдатлар ташқарига ўқдек отилиб чиқишли. Ярим соат ичида овқатланиб қайтдик.

Ётишга ҳозирланаётганимизда старшина билан взвод командири чақириб қолишли. Энди ечиниб, бамайлихотир ёнбошламоқчи бўлиб турганимда уларнинг чақириши малол келди. Бошим огрияпти деб баҳона қилдим:

«Командирларни алдаш яхшими?» Худди бирор шундай деяётгандай туюлди.

Апил-тапил кийиниб югурдим.

— Командир чақирганда шамолдай учиб келиш керак!— деди старшина жиiddий қиёфада,— сиз бўлсангиз ярим соатлаб имиллаб юрибсиз.— Бенарволикни ташланг, эпди.

— Хўш бўлади!

Тактик машқ — машғулотлар ўтказгани далага чиқиб кетдик. На бир туп дараҳт бор, на бошқа нарса, чўлдай бир жой экан бу ерлар. Фақат биз турган сойдан қирқ километрлар нарида яккаю-ягона ариқ ўтади. Үниш ҳам суви қошиққа етар-етмас бўлиб жилдираб қолган. Ҳавонинг иссиқлигидан одамишиг нафаси қисилади. Шундай жойда кечаю-куидуз тактик машқлар ўтказамиш, сим тортиб алоқа ўрнатамиш, милтиқ, пулемёт ва бошқа

қурол-яроқларниң қисмларини ўрганамиз, улардан нишонга отамиз.

Қайси бир машгулот пайтида бизнинг ротамиз «ҳужум»га ўтди. Ўт-тиканларни, чақир-чуқурларни босиб ўтиб, эмаклаб борардик. Рухсатсиз бош кўтармасликка команда берилган. Менинг иккала тиззам, тирсакларим шилиниб, қўтириб бўлиб кетди. Бунинг устига офтоб тик келиб, тенадан беомон олов пуркайди. Командир эса нуқул олга, дейди. Терлаб-пишиб кетдим, уст-бошим шалаббо бўлди, тиззаларим туз сепгандай — жизиллаб ачишади, шундай бўлса ҳам эмаклаб олға интиламан. Шундай чанқаганманки, олдимдан ҳар қандай кўлмак сув чиқиб қолса ҳам унга бошимни тиқиб ётгим келади.

Буни қараанг, бояги ариқ устидан чиқиб қолсак бўла-дими! Ер бағирлаб шундай тез ўрмаладимки, қандай қилиб ариқ лабига етиб борганимни билмайман. Ҳозир бир тўйиб симираман-да, бирнас дам оламан, терим қотгач, қаёққа команда берса, бераверсин, аста-аста эмаклаганим-эмаклаган, деб хаёлимдан ўтказдим.

Қирғоқдан настга интиляиман. Ариқ суви эса қумларни оҳиста ялаб, жилдир-жилдир оқар, унинг майин товуши қулогимга жуда-жуда ёқарди. Кўм-кўк сув шудақиқаларда менинг учун болдан ҳам ширин кўринарди. Сувга энди лаб тегизишга ҳозирланаётганимда:

— Солдат Самадов, встать! — деган овоз эштилди.

Иргиб ўрнимдан турдим. Рўпарамда взвод командири қўлини бигиз қилиб гапиради:

— Қани, орқага қайт, тезроқ!

Унга ўлгудай чанқаганилигимни айтсам, баттарроқ бақирди:

— Нега буйруқни бажармайсиз?

Шундай қилиб, ариқ лабига бориб сув ичолмай қайтдим. Мен изимга бурилганимда, ариқдан сал нарироқдаги ялангликда бутун рота саф тортиб турарди. Ҳадемай барчамиз ариқ устидаги кўпирикдан сувга термулиб-термулиб ўтиб кетдик...

— Кунботар чоғи оёқларимни кўтаролмай қолдим. Кечкурун шинелимни ерга тўшаб, шундоққина ёнбошлаганимча хуррак отибман.

Умримда бунчалик ширин, бунчалик мазза қилиб ухламаган бўлсам керак. Ҳатто «подъём» сигналини ҳам эшилмабман. Бошимни зўрга кўтариб, бундоқ қарасам, рота, батальонлардан тортиб, бутун полкка қадар бари фронтга жўнаш учун саф тортиб турарди.

Бизни тўппа-тўғри Москва остоналарига олиб келишди.

Қирчиллама қиши. Ҳаммаёқ оппоқ оқариб ётибди, чексиз далалар, қуюқ ўрмонзорлар қалин қордан кўрпа ёпинган. Изифирин. Туф десанг, туфугинг лабингда музлаб қолади.

Бизникилар бир ҳафтадан буён мудофаада туришаркан. Отишма бироз сусайган. Фақат аҳён-аҳёнда немислар тарафдан гумбирлаган бесёнақай овоз эшитиладида, булутлар орасига снаряд ёриб кириб гоҳ кўкда, гоҳ тумшуғи билан пастга шўнғиб, қайнин-у қарагайлар биқинига урилиб, даҳшат билан портлаб кетади. Дараҳтлар шохига ёпишиб олган уйдим-уйдим қор осколкалар зарбига бардош беролмай, гўё тут тўқилгандай шовуллайди, ўрмонзор чарс-чурс қилади.

Қаёқдандир учеб келиб, дараҳт панасида жон сақлаётган беозор бир қуш бир зум караҳт бўлиб қолади, сўнгра қисиқ кўзларини очар экан, қанот силкитмоқчи бўлади, бироқ, қарагай танасига тўш урибоқ қонга беланиб ётади.

Пастда тимирскиланиб юрган баҳайбат айиқ белигача қорга беланиб, лапанглаб келади-да, бир зум тиржайиб туради, «ов» ўнгидан келгани учун хурсанд бўлганиданми шекилли, роса керишиб олгач, ўкириб ҳалиги қушга ҳамла қилади. Қуш бўлса жон талвасасида бор кучини тўплаб қанотларини силкитади, юқорига парвоз қилиб, қарагай шохига қўниб олади. Қаёққа боришини билмайди дайдиб юрган пастдаги йиরтқич!

У бомбаларнинг онда-сонда портлашига, снарядларнинг инграб келиб портлаб кетишига, бари-барисига бефарқ... Шу тобда кутилмаганда милтиқлар қарсилайди, барваста айиқнинг пешонасига бир нечта ўқ қадалади, тентираклаб юрган йиртқич гурс ийқилади.

Бу манзарани кузатиб турганимда, ҳу наридан танклар ўрмалаб кела бошлади. Бир, икки, уч, тўрт... Эҳ-ҳе, ҳисоби йўқ кўринади.

Танклар бостириб келяпти. Бироз тўхтагандек бўлиб, улар оғир силкинади-да, тўпларининг оғзидан снарядлар инграб чиқади. Чиқади-ю, ер қаърига шўнгигиб, даҳшат билан портлаб кетади. Назаримда қор ёнади, темир-терсак ёнади. Бунақасини умримда биринчи бор кўришим...

— ПТРлардан ўт очилсин!

Танкка қарши қуроллар (ПТРлар) сайдаб кетади. Фашист танклари бирин-кетин ловуллаб ёна бошлайди. Қора-сағириш тутун кўкни қоплади, димоқларни ачитади. «Тигр»лар тўхтаб қолгандек бўлади.

Тагин танклар кўринади. Бу сафар немислар қолган-қутганларини жангга ташлайди.

— Гранаталар ирғитилсин!— деган команда эшитилади.

Окоплардан гранаталар отила бошлайди. Немис танклари эса бирин-кетин ўрмалаб келаверади.

— Самадов, сени рота командири чақиряпти!— деди ҳозиргина югуриб келган сержант.

Командирнинг ёнига чопаман:

— Сержант Самадов буйруғингизни бажаргани келди!

— Алоқа узилиб қолди, тезроқ улаш керак, буни сиз эплайсиз, Самадов, қани, югуринг!

Вазиятни тушундим. Автоматни бўйнимга осиб, бир нечта гранатани олганимча эмаклаб кетдим.

Немислар роса ўққа тутишди. Дўлдек ёғилиб турган ўқлар остида ҳамон эмаклаб боряпман. Қанча эмакладим, билмайман, тиззаларимнинг кўзи ўйилиб кетдими,

дейман, тирсакларим гадир-булар бўлиб қолганини дейман, жудаим суст эмаклай бошладим. Ўқларнинг визиллашидан, снарядларнинг портлашидан бош кўтариб бўлмайди.

Фашистлар бало-қазодек ёпирилиб келар, бизнинг алоқа линиямиз ҳамон улашгани йўқ эди. Бир маҳал қарасам, гитлерчиларнинг олдиидаги танки бемалол ўрмалаб келянти.

— Энди расво бўлди,— дедим шивирлаб.— Йўқ, танк негадир тўхтаб қолди. Балки у бизнинг мудофаа мардизини яхшилаб кузатиш учун тўхтагандир.

Мен ўнг томонга қараб эмакладим. Шу пайт қўлимдан телефон сими чиқиб кетди. Алоқа шу ерда узилганилиги маълум бўлди. Симнинг нариги учини ҳам топиб олдим, бир-бирига уладим. Қўнглим тинчиди.

— Бургут, бургут! Мен лочин, эшитяпсизми, алоқа симларини улаб бўлдим.

Шу заҳотиёқ барча қисмлар, штаб ва кузатув пунктлари билан алоқа тикланди.

Кутилмаганда телефон трубкасидан командирнинг бўгиқ овози эштилди:

— Лочин, лочин! Мен — Бургут, эшитяисанми, орқангга қайт, тез қайт!

Энди орқага қайтаман деб турувдим, бояги танк «ейман, ютаман» деб аждаҳодек ёнирилиб келянти.

— Шошмай тур ибни, катта холангни кўзингга кўрсатиб қўймасам...,— деб юбордим титраб.

Тўртта гранатани жуфтладим-да, кутиб ётдим. Танкнинг олдин башияси, тўпи, сўнгра манглайн кўринди. Индамай турдим. Гилдираклари ҳам кўзга чалиниб, тоязам яқин қолганида граиаталарни иргитдим. Яхши мўлжалга олган экайман, танк қора-саргиш тутун чиқариб, бурқсив ёна бошлади.

Бирдаи «катюша»лар сайрай кетди. Уларнинг овози тиниб-тимас, танкларимиз ҳужумга ўтди. Орадан сал ўтмай, «Олга!» деган команда берилди. Ҳамма бирдек

дуниман устига ташланди. Леткоринио қишилогидан нарига илгарилаб кетдик.

Олдинда ҳали қизғин жанглар кутарди бизни.

## Ажал ва қўшиқ

Мана каминангиз Ўзбекистонинг ой деса ойдек, кун деса кундек, ариқлари сойдек, шўхликда суви тойдек, чаңғагаида ичсанг майдек, боллари жаннатдек Катта-қўрғонидан бўладилар.

Маҳалладалигимда севги, муҳаббат деган сўзларга унча ҳушим йўқ эди. Ахир, бўсанинг таъмига ҳали унча мазаҳўрак бўлмаган, ишқ, жудолик ўтида Самандардек<sup>1</sup> кўймаган бўлсан, қандоқ қилиб ишқ китобидаги сўзларга тушуардим. Биздақа ёшлиар бирор қизга кўнгил қўйгани бўлса, маҳалладагилар: «Хушторлик — оғир дард», дейишарди-қўйишарди.

Севги, шу қадар кучлимисан? Битта дайди ўқ келиб теса, шу заҳоти масалани ҳал қилиб қўяди: асналасопилинга белатта кетишим мумкин-у, хаёлим ишқ бўстонида гул теради. Э севги, қайданам сенинг кўчангга кириб қолдим. Гоҳ бу кўча тор, боши беркка ўхшайди. Гоҳ бу кўчадан юриб-юриб умид манзилига етадиганга ўхшаймаи. Йўқ, мен бу катта кўчага, ишқ кўчасига яхши ниятларим билан кирганман.

Шу ўй-хаёл билан бўлиб, қўлимни шинелининг махорка юқи кетмаган киссасига солганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Оҳ, тамакижон, сенинг ҳиддингга ис етсени. Кўлбала тамакининг ҳиддини узоқдан ҳидласанг ҳам кайф қиласан киши.

---

<sup>1</sup> Самандар — эски ривоятларга кўра, бир ерда қирқ йил гулхан ёниб турса, ўша ерда бир жонивор пайдо бўларкан. Унинг оти — Самандар.

Немисдан ўлжа олинган сигаретни чўнтағимдан чиқариб, бир донасини шеригим — Еременкога узатдим.

— Ўлгудек хумори бўлиб турувдим, болакай, сенбор-у мен бор. Дунёда икки нарсани яхши кўраман. Бириси, чиройли қиз билан сухбатни, иккинчиси, мен сенга айтсам, дўстим, хумори бўлганда — чекишни.

— Шунақами? Ичишни-чи?

— Спиртдан бошқаси бўлса қайтмайман.

— Ҳозир қўлбола мусаллас бўлса нима дердинг, Еременко?

— Нима дердим. Берлинга эсон-омон етиб олайлик, деб қадаҳ кўтарардим.

— Яша, шоввоз, иштаҳанг жойида! — деб юбордим.

Телпагимни ерга тўнтариб, унинг панасида гугурт чақдим. Еременко бўйини чўзиб, сигаретини тутаттириб олди. Сўнгра менга тутқазди. Мен ҳам сигаретимни ёндиридим. Бирпас бир-биримизга тикилганимизча қайф қилиб ўтирдик. Санобарнинг хати эсимга тушди. Чўнтағимдаги шу бир парча қофозни чиқариб ўпсам, Еременко сигаретининг чаласини ўчирди-да, кифтимга иягини тираганича, қўлимдаги хатга мижжа қоқмай термулиб сўради:

— Тилхатми?

— Йўқ. Ишонч қоғози. Понимаешь, доверенность!!

Мен тагин бир нарса демоқчи бўлиб лаб очишга ултурмай туриб, ўрмон орқасидан фашистларнинг бир группа қирувчи самолётлари шиддат билан пастлаб учиб келди-да, пулемётлардан дўлдек ўқ ёғдирив, шундокқина тепамиздан шовқин солиб ўтиб кетди. Иккала-миз ҳам ерга ёпишиб ҳанг-маиг бўлиб қолдик. Ҳарқалай бирор жойимизга ўқ тегмабди, фақат шинелимнинг баридан икки жойини ўқ тешиб ўтибди. Хайр, бош эсон бўлса дўппи топилади. Старшина билан биз эсон бўлсак янги шинел топилади.

Еременко окопдан бош кўтариб, немис тарафга қараб болохонадор қилиб бир сўқинди-да, ўзини таппа ташлади.

— Ҳозир ҳужумга ўтишса керак, аблаҳлар!

Қўлларимни пешонамга соябон қилиб, бирпас кузатдим. Немислар турган мудофаа маррасида катта куч тўплланган эди. Ҳатто етмиш олти миллиметрлик тўплар-у, танкларгача пиёда аскарлар ер қучоқлаб ётган жойга келтириляпти. Немис ошкора ҳужумга тайёрланяпти. Бор-йўқ кучини йиғиб, шу ердан фронт чизигини ёриб ўтмоқчи, бизнинг полкни, дивизияни қуршаб олмоқчи.

— Биринчи эшелондагилар бўш келмасин-да, бахти мизга!— дедим пулемётни кўздан кечирарканман. Ҳа, мени алоқачиликдан пулемётга ўтказишган эди.

— Сен билан мен буйруқни бажарадиган одаммиз. Қани ётаверчи, буёги нима бўларкин,— деди Еременко мильтифининг затворини шарақлатиб.

— Қизиқ гапирасан, дўстим,— дедим Еременко-га,— сен билан менга калла нимага берилган. Фақат каска кийиб юрганими? Буйруқ, буйруқ деб орқага қарамай пича қочдик. Энди, каллани ишлатадиган пайт келиб қолди.

— Сенда ўзп калла борми?— ҳазилга олди Еременко.

— Бор. Кўрмаётган бўлсанг кел, ушлаб кўр.

— Каттақўрғонлик бола дейман, асқия шуми, ўша хом каллангни окопдан чиқарма. Немис мергани тағин ошқовоқ деб нишонга олмасин.

Тўғри айтасан, Еременко, меникини ёрса уруғи чиқади. Аммо сеники ичи бўш, уруғи пучак хом ошқовоққа ўхшайди.

Икковимиз ҳам бир-биримизнинг гапимиздан маза қилиб кулдик.

Икки кўзим олдинда. Негадир, бизниkilар кўринмайди, ҳар ким сичқон иинин ижарага олгандек, писиб немисни пойлаётганга ўхшайди. Немислар бўлса рўй-рост юриб келишяпти.

— Нега бизниkilар индамай туришибди? Нега учин-

чи эшелондаги артиллерия миздан садо чиқмаяпти? Нима гап ўзи?

Мен бу фикрлар ичидә чулғаниб қолган эдим.

Немис тўплари бизнинг биринчи эшелонни ўққа тута бошлади. Жуда яқиндан кўринаётган тўп, миномётлар ҳар бир объектини ишнапга олиб урадди. Лекин спарядлар бизгача ва ортимизда мудофаада турғани учунчи эшелонгача етib келмасди. Ҳа, немислар уч жойда мудофаа маррасини эгалдагалигимизни билмаса керак.

Отишма борган сари зўраяди. Аммо, бизникилар ҳамон сукут сақлашяпти. Ана, немис танклари устидаги шох-шаббаларни силкитиб ташлаб, бамисоли тошбақа-дай ўрмалаб келяпти. Ҳар замонда бир тўхтаб, тўплди бир марта ўқ узади-да, яна биз томонга ўрмалайди. Оқ ранг билан бўялган «Тигр» бошқа танклардан олдинда келяпти. Башнисига ўрнатилган қўша пулемёт бетартиб ўқ узиб, башня билан бирга гир-гир айлангани-айланган.

Немис танклари кўзга яққол кўринниб қолди. Яна бир неча дақиқадан сўнг устимизга бостириб келгудек бўлиб кўринарди немислар. Ҳар қалай бизникилар ҳам нафасни ростлаб олдилар, чоги, немис танкларига қарши барча турдаги қуроллардан ўт очишига киришдилар. Миномётчилар, тўнчиларимиз мўлжалга олиб отар, немис танклари қора-сарғиш тутуни чиқарниб бирин-кетини ловуллаб ёниб кетарди. Шундай бўйса-да, фрицлар танк кетидан танк юбориб, ҳужумни зўрайтираверди. Танклар орқасига иана бўлиб пиёда аскарлари ҳужумга ўтишди. Бизникилар ҳам бешафқат отишди. Душман билан бизнинг биринчи эшелон ўртасидаги оралиқ қопқора тутун билан қопланди, лекин жанг бирор дақиқа ҳам тўхтагани йўқ. Немислар чигирткадек босиб келгани билан қирилаверди.

Немис биринчи эшелоннинг бўшроқ жойидан мудофаа маррамизни ёриб кирди. Қайси бир рота солдатларининг ярмидан кўпини йўқотиб, чекинишга мажбур

бўлди. Жангчиларимиз очиқ-оидин орқага чекинмай, алланарсаларни баҳона қилиб, иккимичи эшелонга оши-қишаради.

Мен бўлсан пулемётимни шайлаб ётибман. Бутун вужудимни бир нарса қамраб олган: танамда қатра қоним қолгунча курашаман. Еременко билан иккимиз тирик эканмиз, немис ўтолмайди бу ердан.

Олдин беш-олти солдат кўриди. Бирининг оёги оқсаб келяпти-ю, бошиқалари бинойидай қадам ташлайди. Бу қанақасн бўлди? Уларни зиддан кузатиб ётдик. Ҳақиқатан ҳам тани-жони соғ олти киши бир ярадории судраб келишяпти. Улар тўғри устимиздан чиқиб қолишиди.

— Қани, ҳаммапг изингга қайт, ҳезалаклар, бўлмаса отиб ташлайман!

— Ярадорни олиб чиқяпмиз-ку, кўрмаяпсанми?— деди бирори оқсаб келаётган жангчини кўрсатиб.

— Битта ярадорга шунча малайми? Уят керак, уят, қани орқангга қайт ҳаммапг!

Хайрият: сўзимиз кор қилди, улар ярадорни бизнинг окоида даволашга қолдириб, ўзлари биринчи эшелонинга — қуролдош дўстлари ёнига қайтишиди. Ҳорғин, эгнидаги қийим-кечагини кир босган, оч-нахор юрган бу жангчилар неча тунларни киприк қоқмай уйқусиз ўтказган. Улар қулоқлари остидан визиллаб учиб ўтаётган ўқларга ҳам, еру-кўкни ларзага солиб, гумбурлаб келаётган снарядларнинг оёқ остида даҳшат билан портлаб кетишига ҳам бефарқ ҳарашади. Ҳа, шу даҳшат ичра неча бор кезиб, ўлимни назар-писанд қилишмайди, улар.

Хўш, бўлмаса нега чекиниши экан? Бунинг сабабини мен кейинчалик эшитиб, баъзи каллаварам, қўрқоқ кишиларга взвод, рота тақдири ишониб топшириб қўйилганига ич-ичимдан ачиндим. Хонаси келганда айтиб қўйган маъқул: бу жангчилар хизмат қилган взвод командири лапашанг бир младший лейтенант немис танклари кўриниши биланоқ ҳаммадан бурун ўзи шаталоқ отиб қочиб



Суратда: 90-алоҳида ўқчи бригада алоҳи вазводининг бўлинма командири сержант Ҳамид Самадов.

нақа жангни ҳали кўрмаганим. Немис қутириб ҳужумга ташландики, тутдек тўқитаётганига қарамасдан олга интиларди. Фашистлар ҳар бир таик кетидан тўда-тўда бўлиб чопишар, командирлари пиёда аскарлар, автоматчиларни олдига солиб, подадай ҳайдаб келишарди. Орқага қайтмоқчи бўлган, ёки бириас тўхтаб қолганиларни шартта-шартта отиб ташлашарди. Бундан қўрққап фриц нуқул бизнинг мудофаа маррамизга интилади, холос.

Немис танклари даҳшат солиб келган сари, бояги рота жаигчиларп бирни-кетин чекина бошлади. Буни

қолибди. Взводлагилар эса командирга эргашиб, секин-аста чекинишибди.

Ҳалиги жаигчилар бизга қараб-қараб, анчадан кейин кўздан гойиб бўлиши. Отишма янада зўрайди, мудофаамизнинг бир жойидаи ёриб ўтган немис бўлинмаси улоқтириб ташланди.

Бу узоққа чўзилмади, Немис жои-жаҳти билан тагин бир неча бор ҳужумга ташланди, олдиндан, ўнг, сўл томондан ҳамла қилди. Иккинчи эшелонининг биринчи эшелонга ёрдамга ўтиши ҳақида бўйруқ олдик. Еременко билан иккимиз шулемётин кўтариб, чан томондан ҳужумга отланган немис десантларининг йўлини тўсиб чиқдик. Бу-

нақа жангни ҳали кўрмаганим. Немис қутириб ҳужумга ташландики, тутдек тўқитаётганига қарамасдан олга интиларди. Фашистлар ҳар бир таик кетидан тўда-тўда бўлиб чопишар, командирлари пиёда аскарлар, автоматчиларни олдига солиб, подадай ҳайдаб келишарди. Орқага қайтмоқчи бўлган, ёки бириас тўхтаб қолганиларни шартта-шартта отиб ташлашарди. Бундан қўрққап фриц нуқул бизнинг мудофаа маррамизга интилади, холос.

Немис танклари даҳшат солиб келган сари, бояги рота жаигчиларп бирни-кетин чекина бошлади. Буни

кўрган душман траншеяларни узлуксиз ўққа тутиб, ўзи ҳамон илгариларди. Мен пулеметмни душман кўрмай-диган жойга яхшилаб яширдим-да, яқинлашиб келган немисларни қириб қолдим. Тутоқиб кетганимдан ғайратимни ичимга сингиролмайман, шунча немисни танк-панки билан яксон қилиб ташлагим келади. Нега десангиз, кеча биз қудуқдан тоғган чақалоқлар кўз олдимда туррибди. «Э муртадлар, мард бўлсанг биз билан олиш, бу порасида болаларда нима гуноҳ», дейди юрагим.

Тепада инграб келган снаряд рўпарадаги қарагайга урилиб, чпл-чил синган лагандай парчаланиб кетди. Еременко воҳ деганича бошини ушлаб қолди. Бир пасда нафаси ичига тушиб кетди. Қўлини кўтардим. Хоргин. Бошини авайлаб ушлаб кўрдим. Қип-қизил қон оқяпти, бир зумда бўйнигача қонга беланиб қолди. Эгнимдаги оппоқ кўйлагимни йиртиб, бошини танғидим. Йўқ, ёрдам беролмадим, ўлни олдида ожизлик қилдим. Еременко жон берди. Унинг бошини мильтифига қўйдим. Ҳазилкаш, қувноқ, сергайрат, жасур украин дўстимдан жудо бўлдим.

Лаънати уруш, ҳалигина мен билан асқиябозлик қилиб турган бу йигитда нима гуноҳ бор эди? Нега унинг жонини олдинг. Бечора онаси бу жудоликка қандоқ чидайди. Ахир, тоғдек йигит. Бир кунлик чақалоғи ўлган онанинг ҳам юраги ачишади. Ҳароми Гитлернинг онаси ҳам тўлгоқ азобини тортганмикан?! Эркалаб, эъзозлаб ўстирган боласи бир маҳал келиб одамларни қонқора қақшатишни билганимикан?! Лаънат шундай жаллодни ўстирган хотинга!..

Қайрилиб қарасам, ёнимда етмиш олти миллиметрлик бир тўп, уининг қаршинасида ўиг қўли ярадор сержант турибди.

Учинчи эшелондаги артиллерия ҳам ёрдамга келибди, дедим ичимда. Серрайиб турган сержантга қараб бақириб юбордим:

— Нега отмаяпсан?

У елка қисиб, ўнг қўлига ишора қилди. Ҳақиқатан тўп ёнида ўзидан бўлак тирик жон йўқ. Снарядлар жойланган яшик олдида новча солдат каттакон снарядни қулоқлаганича ўлиб ётибди.

Даҳшат, ваҳм босди. Дод дегим келди-ю, ўзимни тўхтатдим. Бундоқ қарасам, немис танки ўрмалаб келаётир.

— Нега тўпдан отмаяпсан?— деб бақирдим сержантга. Гўё у ҳамма нарсага айбдордек.

— Қичқирима хўроз, ўпкангни бос. Қўлми бу, косовми, сеzmаяпман,— деди у наводчик ўрнини эгаллаб.

Пулемётимни тўп ёнига олиб келдим-да, яшиклардан снаряд ташиб, тўп стволига тўғриладим. Затворни шилқ этиб ёпдим. Бояги сержант рукояткани тортиб юборди. Снаряд осмону-фалакка учиб кетди.

— Кел дўстим, ўлсак шу ерда ўламиш-у, орқага қайтмаймиз, мен сенга кўмаклашаман.

Сержантнинг чеҳраси пича очилди. Кўзидан жиққа ёш оқди. Осмонга қарадим. Қоп-қора қалин булуллар сийраклашиб, тепамиздан қуёш жилмайиб турарди.

— Снаряд ташиб, ўқлаб бериб улгурсанг бас, ошнам,— деди сержант.— Буёгини ўзим бир амалларман.

Сержант нимани деса, шуни бажардим. Снарядни ўқлайвериб, қора терга ботиб кетдим. Фақат сержант билан тўпга-ю, ловуллаб ёниб бораётган немис танкларига кўзим тушади, холос.

— Пулемётга югар!— деди сержант елкамдан итариб.

Пулемётга ташландим. Бир гала немис бизга ёнирилиб келарди. Нишонга олиб, тенкни босганимча, роса тердим.

Бирпас сукунат чўқди. Тағин крест солинган танклар кўринди, назаримда улар сонсиз-саноқсиз эди. Танклар бизга яқинлашаркан, ён-веримиздагилар орқага чекиниша бошлади. Ҳадемай сержант билан иккимиздан бўлак ҳеч ким кўринмай қолди.

— Қайт орқангга номардлар, ана ёрдам келянти!— деб бақирсам ҳам ҳеч ким қулоқ солмади. Сержант би-

лан ўзим таңдоликдан хўрлигим келиб, кўзимдаи ёш оқарди.

«Нима қилай! ер — қаттиқ, осмон — узок. Шундоқ деб ном-нишонсиз ўлиб кетаверайми? Ё фашистга сен зўр келдинг, деб икки қўлимни кўтариб, асир тушайми. Иўқ. Ё ҳаёт, ё мамот. Ўлсанг, мардона ўл. Жон берсанг, тантана билан жон бер. Қўшиқ айтиб ўл». Тўпинг стволи бамисоли чўғ бўлиб кетди. Сержант мўлжалга олиб тагин отди. Иккى ташк ёниб, портлаб кетди.

## Тимофеј тофанинг туши

Фронт алғов-далғов бўлиб кетди. Душманни алдаш, доғда қолдириш, қириб ташлаш ниятида бир қанча ишлар қилинди. Бизни Сталинград остоналарида жанг қилаётган гвардиячи қисмлардан бирига мадад бергани юборишиди. Уч кечаю-уч кундуз йўл юриб, охири ҳар жой ҳойидан дарахтлари кесиб ташланган сийрак ўрмонзорга дуч келдик. Шу ўрмон ёқасидан ўтган катта йўл бўйлаб траншеялар қазидик, мудофаа маррасини эгалладик. Гвардиячи қисм бизга худди шу ерни мўлжаллаб қўйган, ўзи йўлнинг охирроғида ўрнашиб олган экан.

Траншея — биздаги зовурдак гап. Белкуракни ерга роса уравериб, ярим метр келар-келмас қазимай туриб, билчиллаб сув чиқиб қолди. Бу ерлар ботқоқ, ўлгудек захкаш экан, бизда шундай ерларни шолипоя қилиб, шоли экиларди. Бай-бай, бу ерга шоли қилинса, роса ҳосил бўларди. Марварид дона шолисини оқлатиб, садафдек девзира гурунчдан қўл бола чойхона палов қилсанг. Ўзим ажал ёқасидаман-у, нафсим қурғур палов тусаб қопти.

Мен армияга келаётгап куши онам бечора елиб-югуриб палов қилди. Ё тополмай аллақайси жувозкашдан жиндак зигир ёги топиб, сўқим ёғига омухта қинти. Ум-

римда шунақа ширин ош смаган эдим десам рост. Сени силаб-сийпаб, юниб-тараб, пешонангни силаб, ўзи оч қолса ҳам сени тўйдириб, ўзи ямоқ кўйлак кийса ҳам сенинг эгнингни бут қилиб, камбағаллигингни билдирмаған она пиширган ошдан, она ёпган нондан ширин нарса борми дунёда! Онажои, сен менга бундан ҳам ширии нарса — жон-ҳаёт бердинг. Бир парча эт эдим. Узниг тарбият қилибсан, мана йигитман. Сен бечора мендан олиса да гам-гуссада, жудолик догида ёниб тургандирсан. Бир бурда ион, бир кафтгир ош тоисанг ҳам менга илиниб, томоғинигдан ўтмаётгандир.

Зовурдан сувии қочиришини ўйлаб туриб, кўнглимдан шу гаплар ўтса бўладими. Дунёда ўлимнинг иложи йўқ, холос. Узун, йўғон қарагайларни йиқитиб, шоҳ-шаббалирдан тўсиқ ясадик, ёгочларини траншеяларга — оёгимиз остига ташладик.

Волков деган шеригум ҳарбий қасалхонага жетганидан бери ўзим пулемётчи бўлиб қолганман. Скребицкий деган украин йигитини менга ёрдамчи қилиб беришган. Бу ерга омонатгина ўрнашишимиз биланоқ, менинг пулемётимни постга — соқчиликка қўйишиди. Ёрдамчимга дам ол деб, ўзим пулемётни яхшилаб ўрнатиб, икки оёғимни ёғочларга тираб, икки букилганимча юрагимни ҳовучлаб турибмана.

Немис рўпарамиздаги ўрмоизорда жойлашиб олган. Орамиз бир чақирим ҳам келмайди. Ўртада беш-олти уйлик хутор бор, холос. Бу тахта уйларнинг ёнидаги пичан гарамлари уруш бўлгани билан менга нима деяётгандек савлат тўкиб турибди. Хутор биздан кўра немисларга яқинроқ. Разведкачиларнинг айтишига қараганда, хутордагилар кечаси қаёққадир қочиб кетишибди-ю, лекин улар сигир-бузоқларини, чўчқа, паррандаларини, қўлга кирадиган ашгол-дашқолни шошиб-пишиб ўзлари билан олиб кетишолмабди.

Мен дам ўша хуторга, дам немислар ишгол қилиб турган ўрмонзор этагига, дам қарагайларнинг учига қа-

раб қўяман. Ҳаммаёқда жимжитлик, на немис отади, на биз. Фақат бизнинг рота йигитлари мен турган траншеядан сал нарроқда ертўла қазиб, устини ёпиб бўлай дейишибди. Жимликтан уларнинг шарпаси сал-пал билиниб турибди, холос.

Этигимдан сув ўта бошлади. Гоҳ ўнг оёғимни, гоҳ чап оёғимни ёғочдан узиб, шоҳ-шаббаларга тиззамини тираганимча чор атрофни кузатаман. Ҳаёлпмда дарахтлар ҳам постда турган соқчи сингарни осмон шифтига бош тираб тик турганга ўхшаб кетарди. Ўрмон ичкарисидан бултурги баргларнинг ёқимли ҳиди келиб лимоқقا уриларди. Мен ҳовлимизда кузак палласи ҳазон резгиллик вақтида барг теришни, қўзичоқларимни ўтлатишни яхши кўрардим. Ўрмон тарафдан Каттақўргоннинг таниш ҳиди келгаидек бўлди.

Бирдан кимдир лип этиб ўтиб кетгандай туюлди. Диққат билан қарадим. Новча бир фриц каскасини қовоғигача тушириб, хутор четидаги ҳовлига кириб боряни. Пулемёт стволини ўша томонга қаратиб, аниқ нишонга олдим, эҳтиёт бўлиб астойдил тикилиб турдим. Ҳовли ичкарисида чўққаларнинг чийиллашгани эшитилди. Немис бир чўққа боласини қучоқлаганича, пичан ғарами орқасига ўтиб кетди.

— Аблаҳ!—тишларим ғижирлади,— ёглиққина чўққа гўштини егинг келдими?! Ҳозир кўрсатиб қўяман...

Немис ўлжадан мамнун бўлди, чоғи, автоматини бўйнига осиб шериклари ёнига чопа бошлади. Мўлжаллаб туриб тепкини босдим, ўқ уздим. Бир нечта патрон визиллаб кетди. Гўштхўр фриц йиқилди. Унинг қўлидан қутулган чўққа боласи чийиллаганича ҳовли тарафга қараб қочди.

— Бу нима қилганинг?— деб сўради ёнимга югуриб келган рота командир.— Шу ерда турганлнгимизни душманга билдириб қўйдинг-ку! Энди тайёр нишонмиз уларга!

Нафасим ичимга тушиб кетди. Қилган ишимдан пу-

шаймон едим. Гуноқкорлигимга иқрор бўлиб индамай туравердим.

Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмай, немислар бизни ўққа тута бошлади. Узоқдан отадиган тўпларидан отишди. Таваккалига отилган ўқ чийиллаб, чинқириб, ҳуштак чалиб, юракларга гулғула солиб тепамиздан ўтиб кетар, биздан анча йироққа бориб даҳшат билан ёриларди.

Бироздан кейин отишма тўхтади-ю, немис ҳужумга ўтмади. Агар ҳужум қилса, бу унга жуда қиммат тушарди. Нега десангиз, бизникилар бутун ўрмонни эгаллаб олган эдилар. Немисни ўзимиз турган ерга яқинроқ келтириб, қуршаб олгани кучимиз етарди.

Ўрнимга бошқа соқчи келди. Ертўлада ёниб турган печка ёнида чордона қуриб олиб, пайтавамни қуритдим. Унгача старшинамиз овқат олиб келиб қолди. Ҳаммамиз гур этиб турдик.

— Сенга бир чўмич қўйсам бўладими?— сўради старшина ҳазиллашиб.

— Ҷўчқа ўғирлаб қочаётган фриции жаҳаннамга жўнатганим учун ҳам бир чўмич қуясиз, амаки,—дедим кулиб.

Старшина шопдек мўйловини бураганича, дастаси узун чўмич билан қозонни кавлаб туриб, деди:

— Қотелогингни олиб кел, Ҳамидвой, бу хизматинг учун сенга уч чўмич қўйсам ҳам ҳақинг кетади. Немисни қандоқ қилиб қулатганингни айтиб берсанг, бас.

— Аввал иқтисод, кейин сиёsat дейдилар, ўртоқ старшина. Олдин қоринни тўйдирайлик-да, кейин гап топилиб қолар.

Старшина котелогимни тўлдириб шўрва қўйди. Қеча тушдан буён туз тотиганим йўқ. Иштаҳам карнай бўлиб турувди. Тарвақайлаб турган бир дараҳатга суюнганимча қошиқни ҳам эсдан чиқариб, овқатни иштаҳа билан ютавердим.

Орамизда Тимофей Матвеевич Таташин деган кексароқ пулемётчи бор эди. У менга ўхшаб новчароқ, ориқ-

қина. Икки гапнинг бирида: «Ёшимни ҳурмат қилинглар, бир кам элликка кирдим», дегани-деган. Биз уни яхши кўриб, «Тимофей тоға» деб чақирадик. Тамаки тутатиб турсам, Тимофей тоға ёнимга келди-да, шивирлади:

— Ўғлим, сенга айтадиган гапим бор.

Ташқарига чиқдик. Пистирманинг орқа томонидаги чуқурчага тушиб, ёнбошлаб олдик.

— Қулоғим сизда, Тимофей тоға!

У менга тикилди. Тикилди-ю, кўзларига ёш олди. Икки қўллаб этигига ёпишганича, пиқ-пиқ йиғлаб, еча бошлади.

— Нима гап ўзи, сизга нима бўлди?

Тимофей тоға мўлтираб турган кўз ёшларини енгининг учи билап арта туриб, дардини айтди.

— Бу этикни сен кийиб ол, ўглим! Менга эски этигингни берсалг бўлади.

— Нега, ўзингиз-чи?

— Ҳали сен Берлингача борасан, мен бўлсам...— У яна йиғлаб юборди.

— Берлининга ҳам бирга борамиз!— дедим кўнглини кўтаришга уриниб.

— Йўқ, менинг куним битганга ўхшайди, Ҳамидjon!

— Қўйсангиз-чи, бу бемаза гапларни қаёқдан олдингиз? Унақа ноумид бўлманг. Умидсиз — шайтон.

— Ҳали, қоқ туш пайтида сал мизғибман,— деди у оғир хўрсиниб,— хунук бир туш кўрдим. Ҳобимда уйимга қайтган эмишман, ёпимда хотиним ўтирибди. Рафиқамнинг соппа-соғ тиши ўз-ўзидан синиб тушганмиш. Ўша тиш мен эмасми, ахир? Тушингда тиш тушганини кўрсанг, одам ўлади, деб эшитганман.

У бирпас жим қолди-да, тагин гапирди:

— Ҳа, бунисиям майли, дейлик. Яна бошқа бир туш кўрибман: Сўлаҳмопдай снаряд булутларни ёриб келиб, мен турган окопнинг ёнгниасига тушибди-ю, портламабди. Қани айт-чи, бу нима? Снаряд тушингда портламабди.

дими, ўнгингда албатта ёрилиб, одамни тилка-пора қилиб ташлайди, ҳа! Тушга ҳам ишониш керак!

— Иримчи экансиз, Тимофей тоға,— дедим.— Тушга кўп ишонманг. Қўйинг, бўлмағур гапларни миянгиздан чиқариб ташланг. Сиздақалар ўлмайди.

— Тимофей тоға ҳамон титраб гапиради:

— Бирор қасофат бўлса, тезлик билан бола-чақала-римга маълум қил, ҳўпми? Мана, адресимни ёзиб ол: Олтой ўлкаси:..

Тупла-тузук одамнинг бунақа гапидан кулишни ҳам, йиглашни ҳам билмасдим. Лекин юрагимнинг бир ери шув этиб кетди. Ўзим ҳам тушга унча-мунча ишонамаи. Лекин тушии яхшиликка йўйиш керак, тушингни ҳар кимга айтаверма дерди онам. Ҳозир ўша гаплари ёдимга тушди.

Тимофей тоға гапидан қайтмади. Этигимни ечиб, япяниги этигини кийишга кўндим ахийри.

Бизнинг артиллеријамиз душманнинг жулпни кўкка совураётганида қуёш ётогига шошилмасдан борарди. Кўкда қизил ранг ракета қиличи яланғочланди. Биз ҳужумга ташландик. Мен пулемётимни қучоқлаганимча немис траншеяси устидан сакраб ўтиб кетибман. Фрицларнинг қочгани-қочиб, қочолмагани косовдек қўлни кўтарниб қаршимизда серрайиб турарди. Барининг афтибашараси қўзимга жуда совуқ кўринди. Ўрмондан чиққач, немис ишғол қилиб турган шаҳарчага интилдик. Скребицкий ўқланган пулемёт дискаларини кўтарганича пишиллаб чоларди.

Кун ботаётганда тўсатдан дод деб юборди Скребицкий. Қарасам, этигининг қўнжи билч-билч ҳўл, қадам босганд сари этик қўнжидан қон аралаш сув билқиллаб чиқяпти. Беш-олти қадам илгарилаб, яна йиқилди. Осколка этигини тешиб ўтиб, тўпигидан пастроққа қадалган экан.

Ўқ теккан жойини боғлаб қўйдим. Тунни у билан бирга медсанбатда ўтказдим. Эрталаб қўзимга сал-пал

уйқу илашиб келаётганида, тўсатдан уйгониб кетдим. Тенамда оқ ҳалат кийган уч-тўрт киши нималар ҳақида-дир гаплашиб туришарди.

— Сиз энди ўз қилемнингизга қайтаверниг,— деди улардан бири.

Шу тонда боши таңгиб қўйилган бир ярадорни қўта-риб келишди. Бир қараб олдим. Опсоқ дока орасидан узуни, сариқ киприклари аранг кўринидаи, ўзи беҳуш.

— Каравотига исми фамилиясини ёзиб қўйинг!— деди жарроҳ ҳамшира қизга,— сал туриб операция қи-ламиз.

Ҳамшира бир парча қогозга: «Тимофей Матвеевич Таташин» деб ёзди-да, каравотга ёништириб қўйди.

— Наҳотки, Тимофей тога бўлса,— деб ўйланиб қол-дим. Яна бир марта бошдан-оёқ қараб чпқдим. Бўйи-бас-ти Тимофей тоганинг ўзгинаси. Ҳамширадан секингина сўрадим:

— Бу жангчи қайси қисмдан, айтолмайсизми?

— Ўзи пулемётчи дейишади, дала почтасиям...— деди-ю, ҳамшира қўлидаги қогозга тикилди...

— Оббо, Тимофей тоғаси тушмагур-ей!— деб юбор-дим беихтиёр.— Уининг оёғидан тортиб, бир-икки марта силкитдим: Ўлмайсиз, сиздақалардан ўлим қўрқади де-мабмидим, тушингизга сира ишоиманг демабмидим.

— Озор берманг!— деди ҳамшира,— бечоранинг бур-нини ўқ узиб кетибди...

Бурунсиз, қўз-қулоқсиз, қўл-оёқсиз қолиш мумкин. Уруш ҳеч кимни аямайди, уруш ҳеч кимга меҳр-шафқат қилмайди. Аммо Тимофей тоғага ўхшаш кишиларни ўқ, осколка минг пора қилса ҳам уларни ўлдиролмайди. Дунёда одамнинг юрагидан кўра кучли қурол-яроғ йўқ. Одамнинг юраги зўр бўлса, ҳар қанақа бомба ҳам бу қурол олдида пахтаванд ўққа ўхшаб қолади.

Тимофей тоға ва Скребицкий билан хайрлашиб, яна ўзимизнинг полкка жўнадим.

## Шакен ога фожиаси

Янги пулемёт беришди. Қисмларини текшириб, мойларини артиб турсам ўрта яшар бир жаңгчи ёнимга келиб ўтирди.

— Хўш, ҳамشاҳар, урушга биринчи марта кпришишгеми?— сўради у қисиқ қўзларини жовдиратиб.

— Оз-моз уруш кўрганмиз, ога,— дедим-да, унга эътибор қилмай пулемётни тозалайвердим.

— Ҳали ўзингга ёрдамчи таилаб олганинг йўқми?

— Ҳозпрча йўқ, бирортасини беришар-да!

— Мени ёрдамчи қилиб олақол, немисларни бирга қийратамиз.

— Сизга оғирлик қилмасмиан?— дедим,— ёшингиз анчага бориб қолганга ўхшайди. Буниси ҳам майлику-я, лекин пулемётчиларни кўшинча ўлим муюлишдан пойлаб турадиган хавфлироқ жойга юборишади, бизга чаққонроқ, ёшроқ киши ҳамроҳ бўлгани яхши.

— Афти-ангорим сенга мени қарт кўрсатгандир. Қирқ саккизга чиқдим энди. Бола-чақаларимни ўйлайвериб, бироз кексайиб қолдим. Э, пимасини сўрайсан, чирофим, уруш...

— Отингиз нима, ўзингиз қаердаи бўласиз?

У оғзимдан шу гап чиқишини пойлаб турган экан, шошиб-лишиб деди:

— Исмим Шакен. Шакен ога деб чақиравер. Бир юртданмиз. Тил тушунадиган одам кўринса худога шукур дейман. Армияда тилмоч бўлмас экан. Тил билмай жуда қийналяпман...

— Ҳали замон қариндош чиқиб қолса-га,— деб ҳазиллашдим.

— Чиқсак яхши бўларди. Дунёда ёт одам йўқ. Ҳамма қариндош-уруг.

— Фашистлар ҳамми?

— Гапни бошқа ёққа бурма, йигит!

— Нега қалтирайсиз, бирор жойингиз оғрияптими?

— Йўқ, ўзим шундай... Яхши йигит экансан, сени учратиб, ўғлимни кўргандай бўлдим. Урушда бирга бўлсак дейман. Одам-одамга ҳамроҳ. Ҳаммамиз бир отана фарзандидаймиз...

Шакен оғанинг бу гапи таъсир қилдими, содда маҳалладошларимни бир-бир эсладим, у кўзимга худди эски танишимдай кўринди.

Майли, мен командиримиздан сўраб кўраман, иккамиз бирга бўлайлик.

Айтганим келди. Шакен оғани менга ёрдамчи қилиб беришди. Пулемёт билан бирга ўқланган дискаларнинг ярмини ўзим кўтариб юрадиган бўлдим, Шакен оғани аяб, шундай қилардим. У ҳам мендан жопини аямайдиган кишига ўҳшаб кўринарди. Уни гапга солиб, кўнглини овлашга уринаман. Шакен оға ҳатто ўзинга бериладиган тамаки, шакарнинг ярмини ҳам кунда менга бераради. Олмасам, кўнмайди. Битта майиз қирқ кишига етади, дейди.

Мудофаада бир ҳафтадан кўпроқ туриб қолдик. Бир куни тушки овқат маҳали Шакен оға котелокни кавлайтириб, қошигини жаҳл билан отиб юборди.

— Нега ундаи қиласиз, бу ношукурчиллик-ку!

Унинг қисиқ кўзлари бирдан очилиб кетди. Котелокни бир муштлаб, менга бақрайди:

— Эртага бормизми-йўқмизми, худо билади, ҳеч бўлмаса, ўлимим олдидаи бир тўйиб қолай...

Бу гап юрагимга найзадек ботди. Вужудимин титроқ босди. Лекин ёшини ҳурмат қилдим, анишага бордим.

Ўзимни босдим. Аммо индамай туролмадим:

— Бу нима деганингиз, Шакен оға? Яхшиям, мендан бўлак ҳеч ким эшитмади бу гапингизни. Одам деган ҳамма нарсани қоринга боғлаб олмаслиги керак. Сиз билан биз фронтда бўлсак ҳам устимиз бут, қорнимиз тўқ. Ошинонисиз қамалда қолиб, очлиқдан шишиб ўлаётган кишилардан хабарингиз борми? Кўп нафс бандаси бўлманг. Навонийни ўқиганмисиз. Үрмониниң шериин енггаи мард

эмас, нафс итини жиловлаган одам ҳақиқий қаҳрамон деган.

— Навоий деган бўлса дегандир. Ўзи подшоҳнинг вазири бўлган, ўлгудек шаробхўр деб эшитганмай. Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ. Бунақангги хўрлик, қийинчиликни ким кўрибди. Пичоқ суюкка бориб етди. Жонимга тегди, бу сабил уруш...

Тўсатдан «Сафланинг!» деган команда бўлди. Ўқдай учиб, бутун батальон сафга тизилдик. Рота-рота бўлиб, йўлга тушдик. Яна бир неча соатдан кейин жангга киришмиз аниқ бўлиб қолди.

Рельслари бўлак-бўлак бўлиб ётган темир йўлдан ўтгач, чап қўлдаги чуқурликка эниб кетдик. Ҳалигина биз билан бирга келаётган қуёш анча йироқлашди.

Бу чуқурликда яқиндагина қаттиқ жанг бўлганга ўхшайди. Снарядлар ерга тумшуқ тираб, уни баттар ўйиб, илма-тешик қилиб юборган, онда-сонда немисларнинг каскалари, қурол-яроқлари сочилиб ётибди. Фрицлар ўлган шерикларини қўмишга ҳам улгуролмабди шекилли, мурдалар чалқанча тушганича тил тишлаб қолган. Урушда одамларгина эмас, ер, дову-дараҳтлар ҳам ярадор бўлади. Она тупроқ фашистлар этигининг пошинаси остида жароҳатланиб, инграб ётса-ю, Шакен оға наҳотки фақат қорнини ўйласа-я!

Биз совет солдатимиз. Виждон билан жигилдоннинг ўртасига мувозий аломатини қўёлмаймиз.

Шу ерда нафасимизни ростлаб олдик. Энди баландликка кўтарилимиз, деб турганимизда немис тўпларишнинг жаги очилиб қолди.

Тирмаша-тирмаша юқорига зўрға чиқиб олдик. Олдимизда яп-яланг ер, нарироқда ўш дараҳтлар кўршиди.

— Олга, ура!!!— деган командани эшитишим биланоқ, Шакен оғани қистаб олдинга югурдим. Биз пулемётлардан отиб чопиб борянимиз, немислар бўлса бутун артиллериясини оёққа турғизиб, тартибсиз равишда ота-япти. Ҳаёлимда афсоналардаги қиёмат дегани шу ерга

кўчиб келгаандай бўлди: снаряд устпга снаряд ёғилди, еру-осмон қоп-қора тутун билан қопланди, кимнинг қўли узилиб кетган, кимнинг оёғи... Бир-биримизни кўролмай қолсақ-да, фақат олга интилардик.

Бизнинг рота ёш дарахтзорга етиб келди. Бу ерда ўлик устига ўлик қалашиб ётиди. Окопларнинг, трап-шэяларнинг сон-саноги йўқ, улар бир-бирига улашиб, айланмасига туташнб кетган. Ўлдирилган немисларнинг уст-боши яп-янги, ҳар қайсисининг кифтида халтача билан ялпюқ котелок осиглиқ. Шўринг қурғурлар яқин орада фронтга келишган бўлса керак. Мана, тақдири нима билан тугабди?

Эҳ, солдатлик тақдири! Қаерларга олиб келиб қўйдинг мени. Урушга келишимдан бир-икки йил илгари «Тоҳир ва Зухра»ни кўрганим боягидек эсимда. «Бир кун йигит ётса атлас кўриада, бир кун йигит ётар сойнинг тошида» деган ашула бор эди. Бизга ҳозирча атлас кўрпа насиб бўлмаяпти. Нуқул сойнинг тошига рўлару келяпмиз. Ҳа, ойнинг ўн беши қоронгу бўлса, ўн беши ёруғ. Бирор ерда бизнинг ҳам юлдузимиз кулиб қолар...

Хандакларга тушдик. Оёғимдаги пайтавам ивиб кетган эди, бир ўлик фрицнинг этигини ечиб пайтавасини ўрамоқчи бўлдим-у, ҳазар қилдим. Узи асли ўликдан кўрқардим. Бу ерда ўлик кўравериб дийдам қотиб қолди. Аммо мана бу фрицларнинг мурдасини кўрсам кўнглим айниб кетади.

Отишма бироз сусайди. Аммо биз бу ердан ҳам силжишимиз керак экан. Яна олға деган буйруқ келди. Қўлимиздаги қурол-яроглардан ўқ узиб, тагин ҳужумга ўтдик. Шакен оға билан иккаламиз ҳаммадан олдинга ўтиб кетибмиз. Буни қаранг, шундай ёfilaётган ўқдан бирортаси ҳам бизга тегмабди. Қирқ йил қирон бўлса, ажали етган ўлади-да!

Сал бўлмаса немисларга аралашиб кетай дебмиз. Шу ерда тўхтанг, окоп қазииг деб буйруқ берилмаганда, билмадик ҳолимиз нима бўларди? Ёнбош тушганимизча,

визиллаб ўтаётган ўқларни ҳам писанд қилмай окоп қазийвердик. Немислар қочиб-қочиб биздан нарироқдаги ўрмон ичидаги мустаҳкамланиб олгаига ўхшарди.

Кун ботиб, қоронғи тушиши билан биз ҳам, немислар ҳам отмай қўйдик. Мудофаа маррасини мижжа қоқмай қўриқлардик. Ярим кечадап ўтгач, немислар разведка юборди.

Негадир, юрагим шув этиб кетди. Окопдан бошимни аста чиқариб қарадим. Бир тўда немис разведкачилари худди бизнинг пулемётимиз турган окопга қараб эмаклаб келарди. Орамиз анча яқин қолибди.

— Бизни асир олишмоқчи,— дедим ёнимда мизгиб турган Шакен оғапи туртиб.

У чўчиб кетди. Мен дарҳол иулемёт стволига ўқ учқунларини ўчирадиган пўлат қалпоқчани кийгиздим-да, немисларни бир оз яқин келтириб, тепкини босдим. Устустига бир нечта ўқ визиллаб кетди. Бизни «тил»га ушлаб кетиш учун ошиқаётган немис солдатлари чинқириб орқага тисарилди. Яна отдим. Бир-иккитаси йиқилди.

Немисларнинг жаҳли чиқди. Автомат, пулемётлардан биз томон ер багирлатиб жаладек ўқ ёғдиришди, тўплардан отишиди. Ҳатто бош кўтаришга ҳам имкон беришмади, баччағарлар. Бизни саросимага тушириш ниятида ўқдориснни аямади. Яхшиям, қоронғи тушди-ю, отишмади бир оз сусайди.

...Онпоқ оқариб тонг отарди. Кечагина эринчоқлик билан сузиг юрган оқлар булутлар қаёққадир ғойиб бўлган. Ҳаво шундай тиниқ, шундай беғубор эдики, тўйиб-тўйиб нафас олгиси келарди кишининг. Сокинлик. Гўё уруш тугагандай... Ажабо, урушда ҳам шундай дақиқалар бўлар экан-да! Шундай гўзал тонгда ширин хаёллар қанотида парвоз этгинг, энг севимли, энг дилбар ва дилдор кишинг билан қуёшни қаршилаб олгинг келади.

— Бугун гўштхўрлик қиламиз шекилли, бурним қицияпти,— дедим, хомушгина ўтирган Шакен оғага.

— Негадир қўлларим, оёқларим оғрияпти,— деди у бўғиқ овоз билан.— Окоидан чиқолмайман, бирор нарса келгириб берсанг ейман, бўлмаса худо деб ётавераман.

— Ҳужум бошланса-чи?

— Унда бошқа гап, бу гал фашистларни ер тишлатмай қўймайман.

— Чекамизми?

— Бе... оч қоринга саримсоқ дегин.

— Галининг қисқаси овқатни ким келтиради?

— Сен ёшроқсан, бўтам,— деди у кўзлари орасидан аранг кўриниб турган киприкларини пирпиратиб,— югуриб бориб келақол.

Ялпоқ котелок балдоғидан ип ўтказиб, камаримга боғлаганимча эмаклаб орқага қайтдим. Биз вақтинча эгаллаб турган мудофаа маррасидан сал берида кичик бир жарлик бор экан. Қандай қилиб шу жарликка думбалоқ ошиб тушганимни ҳали-ҳали эслолмайман.

Автомашинага тиркалган дала кухняси шу жарликнинг бир бурчагига жойлашибди. Ошпаз йигитнинг ёнидаги мўйлабли старшина қайси ротадан неча киши овқат олганлигини ён дафтарчасига ёзиб турибди.

Менга ҳам навбат келди. Котелогимни тўлдириб бўтқа олдим-да, сўнгра қопқоғини тутдим:

— Бунга ҳам!—дедим ошпазга.

Ошпаз пешонасида йилтиллаб турган тер томчилари ни бармоғида сидириб ташлагач, халат барига қўлини артди-да, менга тикилиб кулди:

— Олдин котелодагини еб бўлгин, ошна!

— Биз икки кишимиз!— дедим.

Мўйлабли старшина гапга аралашди:

— Қопқоғини ҳам тўлдириб бер, э, ошпаз!

— Шакен ота, Шакен оға, тирикмисиз?— сўрадим окопга қайтгач.

Ҳеч ким жавоб бермади. Бечоранинг қулоги кар бўлиб қолганга ўхшайди кечаги ўқ зарбидан деб, хаёлимдан ўтказдим. Окопга тушдим. Тушдим-у ҳайрон бўлиб

қолдим. Шакен оғанинг арвоҳи ҳам йўқ. Окопни яна бир сидра кўздан кечирдим, Шакен оғанинг милтиғи ҳам кўринмайди.

— Аблаҳ! Қочоқ! Сотқин!!!— шу сўзларни айтольдим, холос. Лекин адашибман. Қейинчалик билсак, немис разведкачилари босиб олиб қочиб кетибди уни.

Немислар отишмани янада зўрайтирди. Бизниkilар, негадир жим туришарди. Бундан фойдаланган фрицлар ҳужумга ўтишди, мудофаа маррамизни босиб олиб, бизни асир олмоқчи бўлишди. Фашистлар қимиirlаб қолгач, бизга ҳам буйруқ келди:

— Ўқларни исроф қилмай, мўлжалга отилсин! Немисларнинг ҳужуми қайтарилисин!

Мен дам пулемётга ёпишаман, дам бирор нажот қидириб, окоп ичкарисини қўлим билан пайпастлайман. Ҳеч гап йўқ. Ҳар иккала ёнбошимдаги пулемётлар сайдай бошлади. Мен бўлсам ҳамон бўш турибман. Немислар ўқ чиқаётган жойга ўрмаламай, нуқул мен турган тарафга келишяпти.

Орқа томондан қаттиқ овоз эшитилди:

— Иккинчи пулемёт, нега овозинг чиқмаяпти, нега отмайсан?!

— Иккунчи пулемёт, немислар яқинлашиб қолди-ку, қани отсанг-чи!

— Эй, Самадов, ўлиқмисан, тирик? Тез қимиirlа, бўлмаса қўлга тушасан.

Мени баттар титроқ босарди. Немислар бўлса қаричма-қарич босиб келяпти. Мен бўлсам янги туғилган қўзичоқдай довдираб қолдим. Шакен оғадек асир тушиб қолмасайдим, ҳали деб, олам қоронғи кўринади кўзимга.

Мендан садо чиқмаслигини билган командиримиз иккала томондаги пулемётчиларга команда берди, чоғи, улар менга мадад бериб, кўндалангига ҳам ота бошладилар. Немис унча олға силжий олмай қолди. Қуролсиз солдат бамисоли қўл-оёқсиз кишидай, икки қанотсиз

қушдай гап. Қимdir пичоғингни қинидан чиқар!— дегандай бўлди. Пичоқни яланғочлаб турдим.

Немислар отишмани сусайтиргач, бизникилар ҳам отмай, олдинни кузатишарди. Бир неча минут ичидаги ҳеч ким ўйламаган воқеа юз берди. Немис солдатлари ёппасига кўтарилиб, ҳужумга ўтишди. Дам югуриб, дам эмаклаб келаверди улар. Қўшинларимиз ўт ёғдиришса ҳам, бадбахт немислар изига бурилмай, фақат биз томонга интиларди. Бир тўдаси мен ҳимоя қилишим лозим бўлган жойга ёриб ўтишга муввафқа қўлди. Улар мен ётган окопга жуда яқин келиб қолди. Ёрдам келар деган умидим бор эди. Сабрсизлик билан кутдим, командиризиз ақалли бирорта автоматчини ҳам юбормади.

Энди мени ҳам немислар асири олиши муқаррар эди. Оғир аҳволга тушдим, немислар билан менинг оралиғимда қўл узатса етгудек масофа қолган эди. Бахтимдан ўргулай, ўнг томонимдаги пулемётчи жонимга аро кириб, мен ётган окопга яқинлашиб қолган бир қанча немислар устига шундай ўқ ёғдирдики, назаримда бутун Германия илма-тешик бўлиб кетгандай туюлди. Бир амаллаб соғ қолган немис ефрейтори менинг окопимга иргиб тушмоқчи бўлди. Оғидан пастга қаратиб тортиб юбордимда, иргиб устига миндим. Оғир бир силкиниб, ўзини ўнглаб олмоқчи бўлди. Шу заҳоти қўлидаги автомати окопнинг бир бурчагига оғзи билан қадалиб қолди. Бу менга қўл келди, жон-жаҳдим билан пичоқни кўзи аралаш тортиб юбордим. Ўз тилида алланималар деб додлаб, кўзларини очолмай қолди, афти-башараси қонга беланди. Автоматининг тасмасини пичоқ билан кесиб ташладим, немис шилқ этиб ерга тушди. Затворини тортиб, ўз қуролидан немисларнинг ўзига қаратса ота бошладим.

Фрицлар орқага чекинишга мажбур бўлди. Кўзи оқиб тушган ефрейтор додлайверди. У русча «больница, больница» деб қичқиради. Нима қилсан экан, бу чақирилмаган меҳмоннини? Тағин ўлиб қолмасин!

Шуларни хаёлимдан ўтказиб турганимда, тепамда нотаниш сержант билан бир солдат пайдо бўлди.

— Биз сменани алмаштиргани келдик,— деди сержант. Қейин инқилаб ётган немисни кўриб сўради:

— Буни қандай қилиб қўлга туширдинг?

— Худо етказди,— дедим-да, гуноҳкор кишидай индамай туравердим. Сержант бирорни излаётгандек, у ёқбу ёққа кўз югуртиргач, сўради:

— Шеринг қани? Ёки пулемётда танҳо ўзингмисан? Эҳе, пулемётинг ҳам расво-ку?!

Тилим калимага келмай, лом-мим деёлмай қолдим. Сўнгра немисни судраб, пулемётимни қулоқлаганимча, қорним билан ер ишқалаб, орқага қайтдим.

— Пулемётчи Самадов сменани топширди!— дедим рота командирига.— Шеригимни фрицлар олиб қочиб кетишибди. Мана бу ефрейтор билан бир нафас олишдик. Унинг оғзидан бирор гап чиқишини кутмасдан бўлган воқеани айтиб бердим.

«Тил» олиб келганингга раҳмат!— деди командир.— Шеринг фашистлар қўлига тушганлиги учун, пулемёт дискасини йўқотганлигинг учун қойил демайман. Ишингни ҳарбий трибуналга ошираман. Тушунарлимис?

— Тушунарли, ўртоқ капитан!

— Пулемётни тозалаб, старшинага топшир!

Пулемётни ярқиратиб, тозаладим. Ўқ-дори омборидан олтига ўқланган дискани олдим. Командирдан узр сўрагим, ҳар қандай ҳавф-хатарли буйруқни бажаришга тайёрман, гуноҳимни керак бўлса қон билан юваман дегим келарди. Яхшиям, қисмимизга генерал келиб қолди. Бунинг устига бояги немис ефрейторининг чўнтағида онасига ёзилган хат билан бирга қўмондонлик учун жуда қимматли ҳужжатлар ҳам бор экан. Генерал асирга олинган немис билан қизиқиб, мени ҳам суриширибди.

— Ишини ҳарбий трибуналга оширмоқчимиз,— деб рота командири сабабини айтиб берибди.

— Бир гал кечириш керак!— дебди генерал командиримизга қаттиқ гапиrmай,— бу йигитча ҳали керак бўлади.

Буни менга кейинчалик командиримизнинг ўзи айтиб берганди.

— Сени генерал чақиряпти!— деди рота командиримизнинг адъютаити.

Қамаримни маҳкам баглаб, ўёқ-буёғимни тузатдимда, ҳаллослаганимча югурдим.

— Немисни ожиз қилиб қўйибсан-ку, бу гап Гитлернинг қулоғига етса, нима бўлади,— деди генерал ҳазиломуз кулиб.

Кўнглим тоғдай кўтарилди.

— Гитлернинг ҳам кўзини ўядиган кунимиз кеп қолади, ўртоқ генерал!— деб юбордим тантлигим тутиб.

Генерал яна сўради:

— Хўжалик взводига юборсак, борасанми?

— Менга шу ерда қолишга рухсат берсангиз, ўртоқ генерал, менинг немис билан ҳисоб-китоб қиладиган ишларим ҳали кўп.

Генерал яхши одам экан. Мени хафа қилгиси келмади.

— Майли, шу ерда қоласан! Ўзбекистондан дедингми. Менинг отам Каттақўргон атрофида босмачилар билан олишган. Айтмоқчи, полковник Собир Раҳимовни биласанми. Билмасанг керак. Ҳали ёшсан. У яхши солдат. Сен ҳам жангда бўш келма, ўғлим!

Генералнинг гаплари кўнглимни тоғча кўтарди. Йўқ, Ҳамид Самадов, қўрқоқлардан ҳазар қил, халқингни ерга қаратма. Одам дунёга бир марта келади. Лекин кўршапалакнинг минг йил яшагани-ю, лочиннинг бир кун парвоз қилгани. Олақарғанинг узоқ яшагани-ю, бул-булнинг бир кун эркин-эркин сайрагани. Ана шундай шоирона хаёллар денгизига фарқ бўлиб кетдим...

Келгуси куни ҳужумга ўтиб, каттакон бир қишлоқдан немисларни суриб чиқардик. Мен кичкина ҳужра

устидап чиқиб қолдим. Эшиги очиқ эди. Ўқдек отилиб, ичкарига кирсам, бир киши қўллари шалнашиб, осиглиқ турибди. Башарасига қарасам: Шакен оға! Сир бой бермагани учун аблаҳ фашистлар осиб кетибди уни.

— Хўб яхши одам эди-да, Шакен оға!—дегандай бўлди кимдир. Фашистлардан ўч олиш учун олға интилдик.

## Махсус топшириқ

Тунда тревога эълон қилинди. Апил-тапил кийиниб, қурол-яроқларимизни олиб сафга тизилдик. Взводмавзвод йўлга тушдик. Чекиш ва баланд овоз чиқариб гаплашиш тақиқланган эди. Қоп-қоронғу кечада гўё бир-биrimизни етаклаб кетаётгандек, чайқалиб борардик. Мен бўлсам, икки кечадан буён уйқунинг юзини кўрганим йўқ. Шунинг таъсирими, ёки жуда ҳориганимданми, пулемётни судраганимча чайқалиб кетяпман.

Биздан сал олдинда бораётган артиллериачилар қаёққадир тарқалиб кетишли. Ҳадемай ўрмонзор тугаб, очиқ майдонга чиқиб олдик.

— Окопларга кирилсин!— деган команда берилди. Бу команда яшин тезлигида оғиздан-оғизга ўтди. Ҳамма жой-жойини эгаллади. Мен пулемётими бир дўнгликка ўрнатиб олдим.

Теварак-атрофга қаинча термулмай, ҳеч нарса кўринмайди. Бу яқин орада тонг отадиганга ўхшамайди. Фақат тун пардалари орасидан кўкда якка-ярим юлдузлар милтиллаб кўринади-ю, булутлар ортига бекиниб, бирбирига кўз қисишиди. Жимжитлик. Тарс ёрилиб кетгандай бўласан, киши!

Соат олтиларда қарағайзор ортидан тонг бўзариб кела бошлади. Кунчиқар палласи немис артиллерияси бизни ўқса тутди. Осмон гумбурлаб, булутлар парчаланиб кетгандай бўлди, қарағайларнинг бўйни узилиб, ўрмон ичкариси тутунга қоплади, окопларимиз атрофи-

да снарядлар инграйвериб, теварак-атрофни чақир-чуқур қилиб ташлади, ҳатто эски бир пистирма илма-тешик бўлиб кетди. Лекин биз буларнинг ҳаммасига беларво қараб, кузатиб ўтирадик.

Бир нарса шитир-р этиб кетди. Орқага ўгирилдим. Бир учи ўрмонга туташиб кетган траншеяда югурҳо-югур бошланибди. Санитарлар ярадорларни ташиш билан банд, алоқачилар эса сим тортиш билан овора. Траншеядан зип этиб полк командири ўтиб қолди. У окопларни, баъзи пистирмаларни, пулемёт нуқтала-рини кўздан кечириб юрган экан. Менн кўриши биланоқ, сўради:

— Ҳа, йигит, аҳвол қалай?

— Қалай эмас, олтин, ўртоқ подполковник,— дедим кафтимининг орасига қистириб қўйган папирос қолдиги-ни лабимга тегизиб.

Полк командири қўлимни маҳкам қисди-да, папирос-ни эҳтиёт бўлиб чекиши тайинлади. Сўнгра елкамга қоқди:

— Ҳамиша руҳинг тетик бўлсин, ҳамشاҳар! Айт-моқчи ёрдамчинг қани?

— Тунов кунги жангда ҳалок бўлди, ҳозирча бир ўзимман. Ҳужумга ўтаётганимизда, яна бир киши бе-ришмоқчи,— дедим.

— Ҳужумга ўтишимизни қаёқдан биласан, бу ҳақда ҳали ҳеч қандай топшириқ йўқ-ку?!— деди у менга бош-дан-оёқ разм солиб.— Сўнгра кулиб, деди: Солдат билмайдиган сир йўқ, деганлар. Ҳадемай немис танк-лари ҳужумга ўтади, апа шу ҳужумни даф этишимиз керак.

Подполковник тез-тез юриб, тагин бир нечта пулемёт нуқталарини кўздан кечирди-да, бошқа батальонга ўтиб кетди.

Полк командири кўздан гойиб бўлар-бўлмас, немис-лар ҳужумга ўтди. Танклар парадга шошилаётгандек саф тортиб йўргаларди. Қараб турдим. Ҳар қайси танк

тепасида автоматчилар кўринди. Танклар негадир изига бурилди: кўтарилиган чанг-тўзон панасида автоматчилар танклардан бирин-кетин ерга сакраб тушиб, қимир этмай ётиб қолишияпти.

Бизга команда берилди. Мен ҳам пулемётимни бир мунча олдинга олиб бордим. Танклардан ўзини ташлаған бояги автоматчиларни нишонга олиб отавердим. Ҳар иккала томонимдаги пулемётлар ҳам сайрай кетди. Немисларнинг бирортаси ҳам ўрнидан қимирлай олмади, душман ҳужумини фақат пулемётлар кучи билан қайтардик.

Немислар қарийб ўттиз танк билан яна ҳужумга ўтишди. Танклар саф тортиб устимизга бостириб келгудек. Полк командири отишга рухсат бермай турипти. Олдиндаги окопларда ётган пиёда аскарларимиз танкларга тегинмай, ўтказиб юборишиди. Ҳатто ПТРлар (танкка қарши қуроллар) ҳам жим туришарди. Немис танклари мен кузатиб турган пулемёт нуқтасига тобора яқинлашиб келарди. Шунда бир мўъжиза юз берди. Пиёда аскарларимиз немис мудофааси томон ҳужумга кўтарилишиди, душман танклари эса олдинги линияда ҳалигача индамай турган артиллериямиз зарбасига дучкелди.

Тўпларимиз шу дақиқаларни сабрсизлик билан кутишаётган эканми, икки юз, икки юз эллик метрдан туриб, немис танкларини аниқ ва тўгри мўлжалга олиб роса мажақлади, масофа жуда яқин бўлганидан бирорта ҳам снаряд зое кетмади. Танкларнинг башнялари гугурт қутисидек учиб кетар, бензин солинган баклари ёрилиб, портлаб шундай баҳайбат машиналар майдон узра бурқшиб ёнарди. Ловуллаб ёнаётган танклар қора тутуни осмон бўйлаб сузиб юрар, гўё бутун Германия аза тутаётгандек кўришарди.

Пиёда аскарларимиз немисларнинг биринчи траншеясини тўла эгаллаб, иккинчи эшелонидан балотлай

ёпирилиб желаётган гитлерчиларга қарши ўт очарди. Жанг қизғин давом этарди.

Шунча отишма бўлиди-ю, менинг пулемётимдан бирорта ўқ чиққани йўқ. Сигнал кутавериб, тарс ёрилиб кетаёздим.

— Самадов, қани кетдик! — деган овоз эшитилди. Хайрият, бизга ҳам навбат келаркан-е, деб ўгирилиб қарадим. Взвод командири мен каби новча бир солдат билан бирга чўкка тушиб ўтиришибди.

— Тез бўл, энди навбат сенга! — деди у мени шошилтириб, — мана бу йигитча ёрдамчинг бўлади.

Пулемётни қўлтиғимга қистириб, взвод командирига эргашдим. Бизга тағин иккита пулемётчи қўшилди. Тўппа-тўғри немис мудофаасининг ўнг қанотига кириб бордик. Уч пулемётни уч жойда ўрнатдик. Фрицлар сезмай қолишиди.

— Чап қанотда ҳам сизларга ўхшаш пулемётчилар бор, — деди взвод командири, — немисни икки биқинидан ясамоқчимиз. Хушёр бўлинглар, йигитлар!

Олдинда ҳамон жанг борарди. Немислар мудофаасининг чап қанотида ўрнашиб олган бир группа пулемётчиларимиз душман вақтинча ишғол қилган кичик бир тепаликни эгаллагани ҳақида хабар келди. Ҳатто бизнинг ротадагилар ҳам бир нечта тўп ва минометларни шу тепаликка чиқариб олишга улгуришибди. Улар ўша ердан туриб немис қисмларининг адабини бера бошлади, траншеяларда қий-чув кўтарилиди.

Душман қолган-қутган кучини тўплаб, тепаликка ҳужум қилди. Бу вақт биз ўнг қанотдан немисларнинг орқа томонига ўтиб олдик. Взвод командири мени олдинга жўнатиб, тайинлади:

— Тепаликка қараб, ўнг қўлга олиб юравер, биз чап қанотдан борамиз. Тепангда қизил ракета пайдо бўлмагунча битта ҳам ўқ узмайсан. Немисларни қуршаб олишимиз керак. Тушундингми?

Бор кучим билан югуриб кетдим. Тобора ўнг қўлга

интилдим. Снаряд ўйиб кетган бир чуқурчага дуч келдим. Бу ердан немислар кафт устида тургандек кўринарди.

Тепаликда жойлашиб олган қуролдошларимиз худди шу дамларда бизни кутишарди. Мана, тепамда уст-устига иккита қизил ракета пайдо бўлди. Пулемёт тепкисими босдим. Ажал ўқлари визиллай бошлади. Чап томондаги пулемётлар ҳам сайрай кетди. Терлаб-лишиб кетибман. Юзларимдан думалаётган тер томчилари пулемёт устига чак-чак томарди.

Иккинчи дисканни жойлаб отмоқчи бўлаётганимда, қўл кўтаришиб, бир жойга тўпланаётган немисларни кўриб, тўхтадим. Ҳа, тўрт томондан қуршаб олинган гитлерчилар асирга туша бошлади, чунки уларнинг бошқа иложи йўқ эди. Тепаликдан ҳам, орқа томондан ҳам тақаб келинавергач, шўринг қургурлар қаёққа ҳам қочиб қутиларди, дейсиз!

Асиirlар сўроқ қилингандай жуда кўп нарсаларни айтиб беришибди. Маълум бўлишича, биз эгаллаган тепаликдан йигирма километрлар чамаси нарида — тўрт томони дараҳтлар билан ўраб олинган қишлоқда ҳарбий асиirlар лагери жойлашган экан. Қарийб беш минг совет жаигчиси шу лагерда азоб чекиб ётаркан. Асиirlар ёғоч қирқиб, Германияга жўнатиш иши билан шуғуланишаркан. Бундан ташқари бир неча юз солдат ўлим тўшагида ётганлиги ҳақида ҳам маълумотлар олинди.

Кўмондонлик ҳарбий асиirlарни озод қилиш тўгрисида буйруқ берди. Биз ҳам танклар ёрдампда кенг фронт бўйлаб ҳужумга ўтдик. Бир неча соатлик қаттиқ жанг натижасида душманни чекинишга мажбур этдик. Немис дивизиялари қоча бошлади. Шу қувишда фрицларни ҳарбий асиirlар жойлашган қишлоққача суриб бордик.

Бу ерда немисларнинг бетонлаштирилган мустаҳкам мудофаа чизиги, пистирма ва траншеялари бор экан. Ҳарбий асиirlарни кечаю-кундуз ишлатиб, истеҳкомлар

қуриб олибди фрицлар. Қўшинларимиз ўрмон ичкарисидан вақтингча мудофаа маррасини эгаллашди.

Мен ҳам ёрдамчимни етаклаб, тарвақайлаб кетган арча дарахти панасида яшириниб ётибман. Немислар биздан узоқ эмас, юриш-туриши яққол кўриниади, ҳатто соқовланиб нималар ҳақидадир гапириши эшитиларди. Душман билан юзма-юз келиб қолганмиз. Гитлерчилар ҳам энди чекинмасликка онт ичган бўлсалар керак, жуда кўп миномётларини, тўп-у, замбаракларини олдинги маррага тўплайти. Биз эса бундай имкониятдан ҳозирча маҳруммиз. Тўп ва танкларимиз сал орқароқда турибди-ю, улардан отиш иложи йўқ. Отилган спарайдлар дарахтлар белига урилиб, ўрмоп ичкарисида — ўзимиз турган позицияда портлаб кетиши, фақат ўзимизинкларга зарар етказиши мумкин. Бундан ташқари немис мудофаасининг орқагинасида ҳарбий асиirlар лагери бўлганилиги учун ҳам ўёққа қаратиб отиш мумкин эмас. Артиллерия қишлоқ устидан ошириб отгудек бўлса, биз учун сув ва ҳаводек зарур бўлган неча ўнлаб спарайдлар қуруқдан-қуруққа портлаб, қулоққа даҳшат солади-ю, гитлерчиларга зиён келтирмайди. Қишлоқ ортида немис қўшинлари йўқ, уларнинг ҳаммаси ўрмон ёқалаб мустаҳкамланиб олган. Позициялари ниҳоятда қулади.

Қарағайлар шохига тўш уриб ўтаётган оқлар булатлар ўрнини қора, қуюқ булатлар эгаллади. Ўрмонзор ундан баттар қоронғу бўлиб қолди. Ҳадемай осмону-фалакда момоқалдироқ гумбирлади, булатлар биқинини тешиб, ялт-юлт этиб кетди. Шовуллаб ёмгир қуя бошлади. Ҳаммаёқни сувга тўйғазган булатлар карвони ўрмонзор билан хайрлашиб, бирлаасда Днепр дарёси тарафга ўтиб кетди. Яна чақмоқ чақиб, кўзларни ҳамаштириб юборди. Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, ёмғир тинди. Булатлар сийраклашиб қолди. Дарахтлар орасидан офтоб ярим юзини кўрсатди, дарахтлар барги ёмғир томчиларидан исирга тақиб, қуёш нурларида йилтиллаб турарди.

Полк командирининг адъютанти — ўрта бўйлик, йи-  
гирма икки — йигирма уч ёшлардаги сариқ мўйлабли  
йигит ёғимдан тортиши биланоқ, чўчиб тушдим.

— Подполковник чақирияти,— деди у пичирлаб.

— Якка ўзимними?

— Йўқ, взвод командири билан икковингизни кут-  
япти.

Ёрдамчимни қолдириб, полк командири ёнига  
югурдим.

Немислардан қолган, уч қават ёғоч билан усти ёнил-  
ган пистирмада полк командиридан ташқари яна беш-  
олтита офицер кичкинагина харитага энгашиб, душман  
мудофаа марраси ва ҳарбий асиirlар жойлашган лагер-  
ни, немис танклари, артиллерияси турган ўт очиш нуқ-  
таларини ҳар хил қаламлар билан белгилаб қўйишаёт-  
ган эди. Офицерлар орасида бузнинг взвод командири  
младший лейтенант Ситников ҳам бор эди.

Подполковник мени қўриши биланоқ, қўлидаги йўғон  
қаламининг бир учини тишилари орасига қистирганича,  
ўрнидан туриб:

— Берироқ келавер, Самадов!—деб таклиф қилди.  
Шунча офицер орасида солдатлардан бир ўзим бўлган-  
лигимдан ҳайратландим. Подполковникнинг чўзиқ юзла-  
рига қараб олдим. Соқоллари жуда ўсиб кетган эди.  
Бошқа офицерларнинг ҳам соч-соқоли қалин ўсиб  
қолган.

— Сенга махсус топшириқ бор!— деди подполковник  
қуюқ қошларини чимириб.— Кун ботиб, қоронғулик чўк-  
кач, ҳужумга ўтамиш. Артиллериямиз бу гал дам олади,  
фақат танкларимизни жангга ташлашимиз мумкин. Улар  
ҳам душман мудофаасидан нарига отмайди. Бирорта  
уйга шикаст етказмай, бирорта ҳарбий асири ни побуд  
қилмай, қишлоқни ўраб олишни планлаштиряпмиз.  
Ахир, улар ўзимизнинг одамлар-ку! Сен иккинчи номе-  
ринг — ёрдамчинг билан мудофаанинг олдинги марраси-  
дан ўтиб, немисларнинг тумшуғи остига бориб жойла-

шишинг керак. Иккаловнинг ҳам чақонсан. Бу ишни немисга сездирмай қилиш керак бўлади. Сенга ишониб топшириялман, эшитяпсанми? Биз биринчи бўлиб оз куч билан ҳужумга ташланамиз. Немислар албатта бизга қарши ота бошлайди. Сен жим ётасан. Биз изимиизга бурилиб, қочмоқчи бўламиз-да, ётиб қоламиз. Сўнгра немис қарши ҳужумга ўтади. Ҳа, унинг бошқа иложи йўқ, чекинмасликка онт ичган. Бизни бу ердан улоқтириб ташлашга ҳаракат қилади. Қарши ҳужумга кўтарилиши биланоқ, яқинроқ келтириб, пулемётингдан терасан. Бу маҳал биз ҳам қарши ҳужумга ташланамиз. Танклар олдинда боради...

Вазифа жуда оғир, уни бажариш анча қийин эди. Лекин мен уддалайман деб сўз бериб, эшикка юзландим. Энди бир қадам босгани эдимки, пистирма ларзага келди, тепадаи шовуллаб тупроқ тўкилиб, афти-башарам булғаниб қолди. Ўзимни мардликка олиб лоақал чўчимадим ҳам. Тўрда подполковник мени зимдан қузатиб, кулиб турарди.

— Тўппа-тўғри пистирма устига келиб тушди-я!— деди кимдир қулоқларига бармоқларини тиқиб,— яхши ям усти қалин. Бўлмаса...

Ташқарига чиқдик. Пистирманинг қоқ тепасида чуқурча пайдо бўлиб қолибди. Дайди снаряд бир қават ёғочни майдалаб, эзиб юборибди. Бизнинг взвод командири снаряд ўйиб кетган жойга тикилганича, подполковникка гап қотди:

— Немисдан бунақа номаъқулчиликни кутиб турмасдан тезроқ ҳужумга ўтайлик. Ростини айтсам, қўлим қичиб боряпти, бир-иккитасини уриб ўлдириш ниятим ҳам йўқ эмас.

Офицерлар чақчақлашиб кулишди. Бу кулги ўрмонда акс-садо берди, дараҳтлар оша немислар томонда ҳам эшитилди, назаримда.

...Қуёш бизга сўнгги бор салом бериб, уфқни қизартирганича кўринмай қолди. Уфқ қошлари ўсма тортиб,

қорайиб желар, кун бўйи яшириниб ётган юлдузлар эса бири-бирини имлашиб осмон тўрида юз кўрсатишарди. Ҳадемай туннинг қалин пардалари дарахтлар учига ёйи-либ қолди, қоронғудан, айниқса ўрмонзордан ўлгудек қўрқадиган немислар ракеталардан отиб, теварак-атрофни ёғду қилиб, юрагини ҳовучлаб турибди. Уларнинг ҳаракатидан тонг отаргача ҳужумга ўтмаслиги, яна қўшимча куч кутаётганлиги сезилиб турибди.

Ёрдамчим билан икковимиз пулемёт ва ўқларни кўтариб, жуда эҳтиёт бўлиб боряпмиз. Немис ракетадан отаверса, иккаламиз ҳам ерга ёпишамиз, тўхтагач, тир-сакларимизни ерга тираб, эмаклаб олга силжиймиз. Ўрмонзорда ҳам тик юриб бўлмас экан бундай кечаларда. Немис сезиб қолдими, сиз кўринган жойни ҳадеб ўққа тутгани-тутган.

Ўзимизнилар анча кейинда қолди. Ўрмон ҳам сий-раклашди. Немис траншеялари шундоққина кўриниб турибди. Траншеяларнинг олд томонига дарахт шох-шабалари ташлаб, маскировка қилиб қўйилган. Немис сокчилари икки букилиб, траншеядан уёқ-буёққа ўтиб-қайтиб юришибди. Котелокларнинг жаранглаши эшитил-япти. Айни кечки овқат пайти бўлса керак шу тобда.

Кишига баҳт ҳамиша ёр бўлса, одамийлик йўлида курашаётгап инсоннинг омади келаверар экан, иши ўнгидап келиб, унча-мунча ғовга қоқинмаскан. Биз билан ҳам бу сафар худди шундай бўлди. Тиззаларимизнинг кўзи ўйилай-ўйилай деб қорнимизни ерга ишқаб, буёғи нима бўларкан, деб бораётганимизда, танасидан ярим метрча қолдириб қирқиб ташланган дарахтга дуч келдик. Табиатнинг яратиб қўйганини қарангки, дарахт танаси айрисимон бўлиб, иккига бўлинниб турибди. Пасти эса чуқур қилиб ковланган, томирларига болта урилган. Ҳарбий асирларни ишлатишганлиги кўриниб турибди. Аблаҳлар дарахт кундаларини ҳам ковлатиб олиб кетишаётган экан-а! Бундан ўта муттаҳамлик бўладими, дунёда!

Тишларим беихтиёр ғижирлаб кетди. Пастга тушиб, пулемёт стволини бояги айрисимон дараҳт кундаси орасидан ўтказиб ўрнатдим. Энди бизга ҳар қандай танк ҳужуми ҳам бехатар эди. Тўрт жуфт гранатамизни сал нарироққа қўйиб, керак бўлса бир нечта танкни портлатиб юборишни мўлжаллаб турибмиз.

Подполковник айтганидай, бизниklар биринчи бўлиб ҳужумга ўтишди. Пиёда аскарларимиз «Ура» садоларн остида ўриниларидан туриб югуришди. Танк ва артиллериямиз индамасди. Немислар роса ўққа тутишди, тўплардан отиши. Жангчиларимиз бироз чекингандай бўлдилар. Немис бизниklарни кам деб ўйлади, шекили, аввалги планидан қайтиб, ҳужумни эрталабгача қолдирмай, тўсатдан қарши ҳужумга ташланди. Гитлерчилар жон-жаҳди билан югуриб, қуроллардан ўқ узиб, чопиб келишарди.

Мен уларни жуда яқин келтирдим-да, бор «ҳунар»имни ўрсатдим, пулемёт оғзини уларга тўғрилаб, роса отдим. Фрицлар саросимага тушиб, чекина бошлади, бизниklар эса танклар ёрдамида қарши ҳужумга ўтиши. Мен ҳамон пулемётимни сайратяпман. Немислар қаердан отаётганлигимни билишмайди.

Пулемётни даст кўтарганимча, қочиб кетаётган немислар орқасидан югурдим. «Тигр»лар кўринди. Ётиб олдим. Орқадан бизнинг танклар етиб келишди. Танклар жанги бошланиб кетди. «Т-34» маркали ажойиб машиналаримиз немисларнинг мақталган «тигр» ва «фердинанд»лари билан яkkама-якка олишишди. Мен нуқул немис танкларининг бензин солинган бакларини кўзлаб отаман. Бир-иккитаси портлаб, ёниб кетганлигини ўз кўзим билан кўриб, командирнинг жанговар топширигини бажараётганимдан хурсанд бўламан.

Қандини урсин, бизниklар ғолиб чиқиши. Немисларнинг катта қисми қочолмай қолди. Кўпларини асирга тушириб, қишлоқни эгалладик, ҳарбий асиirlарни ўлим чангалидан юлиб олдик. Махсус топшириқ бажарилди.

## Днепр тўлқинларида

Окопларда диққинафас бўлиб ўтирибмиз. Ёмғир бўлса кечадан буён тингани йўқ. Гоҳ чеълаклаб қуяди, гоҳо суяккача сингиб кетадиган даражада шивалаб ёғади. Окопларда сув, солдатларнинг уст-боши шалаббо бўлиб кетган.

Олдинда Днепр дарёси... Танасига сигмай қайноқ қалбдай жўш уриб оқади. Нарпгп соҳиlldан ўқлар визиллайди. Бош кўтариб бўлмайди. Шунга қарамай, дарёни сузиб ўтишимиз ва немисларни мудофаа маррасидан улоқтириб ташлашимиз керак. Буйруқ шундай!

Командир айтган вақтда тўпларимиз тилга кирди. Артиллериячиларимиз нариги қирғоқни роса тўпга тутишди. Шу пайт ҳужумга шайланилсин, деган буйруқ олдик. Танкларимиз қирғоққа яқинлашгач, солларга, қаймекларга тушиб, Днепрда суза бошладик. Тўлқинларга тўш уриб илгариладик.

Станокли пулемёт взводига командир қилиб тайинланганимдан буён бешинчи марта жангга киришим. Ҳар сафар бир мўъжиза рўй бериб, омон қоляпман. Эҳ-ҳе, бу орада қанчадан-қанча йигитлар ҳалок бўлиб кетмади, дейсиз?! Ҳозир взводимизда иккита пулемёт бор. Иккаласини иккита кўҳна қайиққа ўрнатиб, ўқ узмай сузиб борардик.

Немислар бизни сезиб қолиб, аямай ўққа тутишди. Днепр лола ранг бўлиб оқди. Кўп кишилар дарёга ғарқ бўлиб кетди.

Энди қирғоққа кўтарилганимни биламан, бир гала немис рўпарадан туриб ўққа тутди. Уёғини билмайман...

...Госпиталдан тузалиб чиқиб, нима қилиб бўлса ҳам ўзимизпинг поликка етиб оламан деб уриниб кўрдим. Лекин йўлда адашганимдан кейин партизанларга қўшилиш пайига тушдим.

Мени шайтон оздирдими, яна йўлимни тополмадим.

Ниҳоят, оёқларим толиқди, тинкам қурий бошлади, кўз ўнгим қоронғилашди. Шундай бўлса-да, судралиб судралиб борардим. Бирдан катта йўлга чиқиб қолдим. Партизанларни бу йўлнинг ўнг томонида дейишган эди. Негадир, мен бу йўлга чап томондан дуч келдим. Катта йўлга тушиб олганимда, уйқу босган кўзларимни ишқалардим, холос. Қечаси билан йўл юрган бўлсам ҳам, чарчашга сўз бергим йўқ.

— Хальт, хальт!!!<sup>1</sup>

Кутилмаганда бу ёввойи сўз қулогим остида жарапгларкан, бир дақиқа тўхтаб турдим-да, сўнгра орқага бурилиб, кенг дала бўйлаб қочишга тутундим. Бу яқин орада ўрмон бўлганида, эҳтимол, қочиб қутилардим. Лекин, ўн беш-йигирма қадам югурмасданоқ, немис мотоциклчилари тўрт томондан ўраб олишди. Пичоғимни қинидан чиқаришга ҳам улгуролмай қолдим. Немислар эса мени ўраб келишар, очкўз бўри қаби менга ёпирлишарди.

Тик турганимча қотиб қолавердим. Қани энди пулемётим бўлса-ю, буларнинг ҳаммасини биттама-битта қулатиб, ер тишилатсам. Лоақал бирорта граната бўлсайди-я! Ҳеч бўлмаса менга ҳамла қилиб келаётган олдиндаги дароз офицерни тилка-пора қилиб ташлардим. Афсус, қуруқ қўлман-да! Бебошлиқ қилдим, тумроҳлик шу ерга бошлаб келди. Асирадаман, ҳа, фашистга ўзимни ўзим тутиб бердим. Бундан ортиқ бемаънилик бўладими, дунёда! Миямга бир фикр келди: «Немислар сўроқ қилганда: госпиталдан қочдим, ўз ҳоҳишим билан сизлар томонга ўтмоқчи эдим», дейман. Бунга асос бор эди. Эгнимда гимнастеркам йўқлигидан немислар бу гапимга ишонишлари мумкин.

Немис мотоциклчилари юзма-юз келмагунча қимирламай туравердим. Мени кўриб улар ҳайрон қолишди. Чўнтақларимни текшириб кўриб, ҳеч нарса топиша ол-

<sup>1</sup> Хальт! Хальт! — (немисча) Тўхт! Тўхт!

мади. Немисчалаб нималарни дир сўрашди. Тушунмадим. Бош чайқаб туравердим. Мотоциклга босиб олиб кетишиди.

Тонг ёришиб қолди. Атрофимга тикиламан. Тунда юрган йўлларимга қарайман. Мотоцикл ҳайдаб бораётган немиснинг орқасига ёпишиб олган иккинчи фриц оёғини кўтариб, кифтимга туртиб алланималар деб бидирлайди. Тушунмайман, башарасига қарагим, гапларини эшитгим келмайди. Фақат ўзимни-ўзим коййман. Дунёга келиб нима кўрдим, наҳотки умрим тугаган бўлса дейман. «Йўқ, сен ҳали яшайсан, яшашинг керак, эшитяпсанми»,— дейди юрагим.

Қуюқ ўрмонзорга яқинлашиб қолдик. Шу ерда немислар мудофаада мустаҳкамланиб олишган экан. Тахмин қилиб кўрдим: шу ўрмон орқасида яп-яланг майдон бўлиб, унинг нариги четида яна дарахтзор бор. Бизникилар ўша ерда. Демак, мен тамомила бошқа йўлдан кетганиман. Мана таваккалчиликнинг оқибати...

Мотоцикл тўхташи биланоқ, қаёқдантир немис офицери югуриб чиқди.

— Ҳа, русиш?— деди у менга тикилиб.— Нука пошель...

Мени мотоциклдан судраб туширишди. Тўппа-тўғри ўрмон ичкарисидаги ёлғиз уйга олиб боришиди. Бу уйда урушгача ўрмон қоровули истиқомат қилган бўлса керак.

Тўрда, столга тирсак тираб, кўк кўз обер-лейтенант ўтирибди. У менга шунчаки бир назар ташлаб, стол устидаги пачкадан бир дона сигаретни олиб кир босган сап-сариқ тишлари орасига қистирганича, ўз тилида нимадир деб бақириб юборди. Нариги бурчакда тўппончасини тозалаб ўтирган ефрейтор югуриб келиб, тугурт чақди-да, обер-лейтенантнинг тумшуғига яқин олиб борди. Обер-лейтенант сигаретни жон-жаҳди билан сўратуриб, мендан рус тилида соқовланиб сўради:

— Шерикларинг ҳани?

— Қанақа шерикларим?— деб елка қисдим.

— Ҳм, айтгинг келмаяптими?—деди у менга яқинлашиб,—уста разведкачига ўхшайсан. Бу макринг ўтмайди. Сендақаларнинг мингтасини тилга киритиб, сайратганман. Қани, гапир, неча қишилизлар?

— Якка ўзимман, жаноб офицер,—дедим муғомбираона.—Чап қўлимдан ярадор бўлиб госпиталда ётувдим, дуруст қарашмади, озиқ-овқатнинг мазаси бўлмади, қочишга мажбур бўлдим. Ишонинг?!

— Барибир, шерикларингни қўлга туширамиз. Буюк герман армияси қўлидан қочиб қутиладиган зот йўқ дунёда. Шуни биласанми?

Яна елка қисдим. Обер-лейтенант яқинроқ келди-да, қулоғимдан тортиб, бирпас чўзиб, тиржайиб турди. Юзига тупуриб юборай десам шароит қўтартмайди. Нима қилай, чидадим-да. У қулоғимдан қўлини олиб, сўради:

— Бизнинг мотоциклчиларни қўрганингда нега қочдинг? Асир тушгани келган қиши қочадими?

— Қўрқиб кетдим, жаноби офицер, сал орқага чекиндим, холос.

У мени қўриқлаб турган автоматчиларга қараб олди.

Сигаретини сўриб, пешонасини буришириб туфлаб ташлади-да, мени тағин гапга тутди:

— Госпитал қаердалигини аниқ биласан-ми? Билсанг, разведкачиларимизга сени ҳам қўшиб юборамиз. Операция бажарилгач, хоҳласанг жавоб бериб юборамиз, хоҳламасанг бизда қолаверасан. Уй-жой берамиз, онаси ўпмаган қизга уйлантирамиз. Уруш тамом бўлгач, истасанг бизда қоласан, йўқ-йўқ десанг, қишлоғингга қайтасан. Бу—сенга боғлиқ.

«Думинг йўқ, холос!—дедим ичимда.—Думинг бўлганда, тулкидан сира фарқ қилмасаксансан». Ўйланиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Шунинг учун оғзимга келган ёлғон-яшиқни гапиравердим.

— Ҳарбий госпитал бу ердан эллик чақиримча нарида. Мен уч кундан бери пиёда юриб бу ерга зўрга келяпман. Госпитал ёнида бир дивизияга яқин солдат, офи-

церлар бор. Ҳужумга тайёрланишити. Мен ўлсам ҳам бормайман, ўзим ўшаларнинг қўлидан аранг қутилдим.

Обер-лейтенант ўйланиб қолди. Сўнгра валдирай бошлади:

— Ҳужумга тайёрланаётган эмиш, ҳм, ҳужумини кўзига кўрсатиб қўямиз, русларнинг.

— Нечта немисни ўлдиргансан?

Елкамни қисиб, бошимни чайқадим. Бирор марта ҳам жангда бўлганим йўқ, лекин мудофаада турганман. Қўпинча хўжалик взводида картошка тозалаганман. Фалокат босиб, фронтдан анча узоқда бир марта ярадор бўлдим, вассалом,— дедим. Немисларга қаратиб бирор марта ўқ узишга тўғри келмади-я, ишонасизми? Ҳамманинг ҳам дунёдан умиди бор, кўплар уй-жойлик, болачақалик, отиб нима қиласман деб ўйладим.

Кўпми-озми, ишқилиб, немис офицерини шонтиридим, шекилли, у бир-икки марта дўппослаб, бошқа савол бериб ўтиргани, соқчиларнинг бирини чақириб, қулогига шивирлади. Мени ҳайдаб чиқиб, усти ёпиқ машинага солиб жўнатишиди. Кун бўйи йўл юрдик. Кечқурун тўрт томони баланд девор билан ўралиб, деворлар тепасидан электр токи симлари ўтказилган жойга олиб келишди. Бу ер—ҳарбий асиrlар қўли билан қурилиб, энди шу асиrlарнинг ўзлари азоб-уқубат чекаётган концлагерь экан. Тақдир мени шу ерга етаклаб келгани учун пешонамга бир мушт туширдим. Немис соқчиси тиржайиб турди-да, темир дарвозадан ичкарига итариб юборди.

— Шу ерда умрим тугайди, шекилли,— дедим ўзимга-ўзим.— Бу ажал қўргонидан бутун чиқишининг ғложи бўлмаса керак. Кел, вазмин бўл, умидсизланма, ноумид — шайтон!..

...Сесканиб уйғондим. Аъзойи баданим қалтиради. Соғ қўлим билан кўзларимни уқалаб, теварак-атрофга қарасам, каравотда ётибман. Чап қўлим танғиб боғланган, зирқираб оғрийди. Ярадорларнинг «воздухи»-ю, инграшлари қулоққа чалинади.

— Яхшиям тушимда содир бўлибди бу хунук во-  
қеа!— деб юбордим беихтиёр.

Ха, тушга нималар кирмайди дейсиз.

Шундай қилиб, тўрг ой госпиталда даволандим. Сўнг-  
ра комиссия қилишди. Урушга яроқсиз деб уйга жавоб  
беришди.

## Биринчи ўғил

Поезд Каттақўргон станциясига етар-етмас бирдан  
тўхтаб қолди.

— Об-бо, ҳар бир симёғоч ёнида тўхтаб ўтади-я, қа-  
нақа поезд бу ўзи!— деди кимдир асабийлашиб.

— Самарқанддан чиққанимиздан буён йигирма мар-  
талар тўхтагандир, — қўшиб қўйди бошқаси, — одатда  
уч-тўрт жойда тўхтаб ўтиши керак эди.

Шу пайт оғир юк ортган поезд бўзлаганича Катта-  
қўргондан Самарқанд тарафга ўтиб кетди. Биз тушган  
поезд энди қўзғалса керак десак, йўқ, боягидек жойи-  
дан қимирламай тураверди. Яна бирпас кутдик, юрма-  
ди. Ниҳоят, кондукторга мурожаат қилдик:

— Нега бунча тўхтаб қолдик?

Кондуктор мугомбирона кулиб:

— Ҳарбий сир бу!— деди.

— Биз пассажир поездидаги кетяпмиз-ку, қанақа ҳар-  
бий сир бўлиши мумкин?— сўрадим тоқатсизланиб.

Олтмиш ёшлардаги серсоқол кондуктор ёнимга ке-  
либ ўтириди-да, менга бошдан оёқ қараб чиқгач, гап  
қотди:

— Қайси фронтдан, иним?

— Ҳарбий сир бу!— дедим жаҳл аралаш.

Қаочон уйимга етаман деб ичимни ит тирнаб турга-  
нида унинг бу саволи ғашимни келтирганидан: ҳарбий  
сир бу, амаки!— деб юборибман.

Кўпни кўрган кондуктор ҳо-ҳолаб кулиб юборди.

— Ҳа, нимасига қуласиз?— сўрадим жаҳл аралаш.—

Пассажир поездининг станция яқинида бирдан тўхтаб қолганлиги ҳарбий сир бўлса, менинг җайси фронтдан келаётганлигим ҳарбий сир эмас экан-да?! Шунақами?

— Ҳазиллашдим,— деди кондуктор гуноҳкорона.— Поездимизнинг тўхташ сабабини ўзим ҳам билмайман. Ҳар ҳолда олдинда ҳарбий юк ортган поезд бўлса керак, деб ўйлайман.

Унинг гапи тўғри чиқди. Ҳадемай бошқа бир поезд «терга ботиб» пишқириб ўтиб кетди. Платформалар ҳарбий қурол-ярог, асбоб-анжомга лиқ тўла эди. Ҳаммасининг усти бризент билан ёпилган.

— Ана, айтмабмидим?— деди кондуктор поездни кузатниб қоларкан.— Ҳозир урушнинг энг қизғин палласи. Поездлар ҳам ҳарбийчасига ишлайти. Ҳамма нарса фронт учун! Ҳамма ёқда ҳарбий интизом!..

Назаримда кондуктор менга таъна қилиб гапнраёт-гандек бўлди. Яна кимдир: «ҳамма фронтга кетяни, сен бўлсанг — фронтдан Каттақўрғонга қараб йўл олдинг» деяётгандек туюлди. Ҳаёлим бўлинди, ўйга толдим: Немисга қарши икки ярим йил урушдим. Ҳа, урушнинг энг қийин дамларини бошдан кечирдим. Буёғи оз қолувди, нима, қирқига чидаб, қирқ бирига чидамасмидим? «Чап қўлинг ярамайди, бир оёғинг ишқал, деб иккинчи группа инвалидлигига ўтказиб, ўйга жавоб беришмаганида тек туармидим?! Бир томчи қоним қолгунча олишганим-олишган эди, фашистлар билан. Афсуски, инвалид бўлиб қайтдим...»

Ҳаёлларга фарқ бўлиб поезд ўрнидан қўзголганини ҳам сезмай қолибман. Орадан сал вақт ўтмай, Каттақўрғон станциясига келиб тўхтадик. Поезддан тушиб, вокзал майдончасига қараб юра бошладим. Ҳар ўн метрлар чамаси йўл босгач, бир тўхтаб, нафасимни ростлаб оламан. Яна йўлда давом этаман. Оёқларим зирқираб оғрийди, ўқ еган чап қўлим қақшайди, тинкам қуриганигидан тезроқ юришга мажолим йўқ.

Бир амаллаб вокзал майдончасига етиб олдим. Бу

ерда ҳадсиз-ҳисобсиз одамларни кўриб, турган жойимда қотиб қолдим. Жангга шайланаётган солдат ва оғицерларни эслатарди улар. Ҳа, керза этик кийиб, белини маҳкам бοғлаб олган девқомат йигитлар фронтга жўнашяпти, ота-оналари, қариндош-урӯғлари, таниш-билишлари кузатгани чиқишиган. Ҳеч ким кўз ёши қилмаяпти, аксинча, бирор доира чалса, иккинчиси ўйинга тушади, ху нарироқдан най навоси майин таралади...

— Минг тўққиз юз қирқ биринчи йилнинг ёзида бизни йиги-сиги билан кузатиб қолишиган эди,— дейман ўзимга-ўзим.— Ўшанда ота-оналаримиз тушунмаган эканлар-да! Мана қаранг, йигитларни қандай яхши ният, яхши кайфият билан фронтга жўнатишияпти. Халқимизнинг ғалабага бўлган ишончи катта. Қани энди, шу шерзодлар билан бирга урушга кирсанг. Бундай азаматлар билан немиснинг дабдаласини чиқариб ташлаш ҳеч гап эмас.

Очиғини айтсам, уларга қўшилиб кетгим келди. На чора! Иложим йўқ, инвалидман.

Изимга бурилиб, Карл Маркс номли кўчадан кетмоқчи бўлиб турувдим, қаёқдандир бир группа одамлар келиб қуршаб олишди:

- Қайси полкдан бўласиз?
- Қаёққа кетяпсиз?
- Менинг ўғлимни кўрмадингизми?
- Қачон уруш тугайди?

Одамларнинг Гитлер деган зотнинг отини ўчириб, уруш деган сўзни луғатдан умуман чиқариб ташлаш керак деб қаҳр-ғазабга тўлиб-тошганликлари уларнинг чақноқ кўзларидан, важоҳатларидан ҳам сезилиб турарди. Шу қора кўзларнинг барча саволларига уруш ҳадемай тамом бўлади, деб жавоб қайтаришдан бошқа иложим йўқ эди.

Вокзал ортидан паровоз бўзлаб юборди. Ҳамма поездга югурди. Мен ҳам аста-секин қадам ташлаб йўлимда давом этдим.

— Онажон, она, нон!!!— деган бўгиқ гўдак овози қу-  
ломигма чалинди.

Ялт этиб қарадим. Кўчанинг четида беш-олти ёшлиқ  
бала қор устида ётибди. Эгнида қирқ ямоқ тушган кўй-  
лаги бор, холос. Оёқ яланг, иккала оёғи ҳам шишган,  
ранги бўздек оқариб кетган. Фақат «нон — онажон, нон  
бeinг» деб йиғлагани-йиғлаган.

— Кимнинг ўғлисан, отинг нима, уйинг қаерда?

Менинг бу гапимни эшиштагач, бола иргиб ўрнидан тур-  
моқчи бўлди-ю, мажоли йўқлигидан йиқилиб тушди. Ле-  
кин кўзларини мендан узолмай, ёлвора бошлади.

— Амакијон, пича нон бeinг!

Юракларим эзилиб кетди. Урушнинг даҳшатли дам-  
лари, юпун болалар, алнга ичида қолган қишлоқлар,  
оналарнинг дод-фарёди, чақалоқларнинг биғиллаб йиғ-  
лаши, бари — бариси кўз ўнгимда гавдаланди.

— Мен билан бирга борасанми?— сўрадим халтам-  
дан бир бурда нон чиқариб бериб.

— Бораман!— деб шинелимнинг баридан маҳкам уш-  
лаб олди у.

— Лекин отингни айтсанг олиб кетаман.

— Отим — Қўчкор!— деди бола.— Энди олиб кета-  
сизми?— деб қайта-қайта сўради сўнгра.

— Ҳа, олиб кетаман, ўғил бўласан менга!— дедим  
ички бир ҳис-ҳаяжон билан.

Болани кўтариб, уйга йўл олдим.

Эшикни тақиллатишимни биламан, онам «ким бу»,  
деб ўқдек отилиб чиқди. Мени кўрди-ю, ҳайкалдек қотиб  
қолди.

— Менман, онажон, ўғлингиз Ҳамидман!

— Вой кўзларимнинг оқу-қораси болагинам, Ҳамид-  
жон, сенмисан, эсон-омон қайтиб келдингми?— дея онам  
бағрига босди.

Уинг овозини эшишиб отам ҳам югуриб чиқибди.

— Бу ким, ўғлим?— кутилмаганда сўради онам.

— Бу — менинг ўғлим, онажон! — дедим солдатга хос жиддийлик билан.

Отам кўзининг қири билан болага бир қараб қўйида, сўради:

— Сен уйланмаган эдинг, чоғи? Ё бўлмаса ўша ёқда уйландингми? — Тағин қўшиб қўйди: — Одамлар қон кечиб, олов кечиб юрса-ю, бу киши кимгадир муҳаббат изҳор этиб юрган эканлар-да!

Қарасам, отам тўнини тескари кийиб оладиганга ўхшайди. Дарҳол «пластинкани» ўзгартирдим:

— Ўзингиз ўйланг, ёш гўдак қор устида оч ётса-ю, кўриб, кўрмасликка олиб ўтиб кетаверайми?! Фронтдаку ноилож эдик.

— Хўш, бу болани нима билан боқасан? — гапга аралашди ҳалигача жим турган онам. — Ўзимиз кепакдан ёвғон атала пишириб еб кун кечириб турган бўлсак... Ёш гўдакка ёвғон атала татийдими, ўзинг бир ўйлаб кўр, Ҳамиджон болам!

— Ҳечқиси йўқ! — деди отам болани бошдан-оёқ кўздан кечиргач. — Рўзгорда борини баҳам кўрамиз.

Онам илиққина кулиб:

— Тўғри айтасиз, дадаси, бори билан бош бўламиз, ахир, «бир дона майизни қирқ киши» бўлиб еган-ку, — деди.

Иккаласи бараварига дастлабки фикрини ўзгартириб, болани фарзанд қилиб олишга рози бўлганидан теримга сиғмай севиниб кетдим. Шундай қилиб денг, минг тўққиз юз қирқ тўртинчи йилнинг 26 февралида ўғиллик бўлдим.

Уйимизда ёш бола бўлмаганиданми, Қўчқор тезда кўникавермади. Бир ҳафтадан сўнг бетоб бўлиб қолди. Бу орада унинг тилидан туркман боласи эканлигини билиб олдик. Қўчқор ота-опасининг исм-фамилиясини, ҳатто туғилган жойини ҳам аниқ билмасди. Каттақўргонга қандай қилиб келиб қолганлигини ҳам эслай ол, майди.

— Бирор ташлаб кетгандир,— деди онам уни ювинтириб бўлгач.— Майли, фамилиянгга ўтказиб ол. Қўчқор Самадов деб ёздири. Ота-онаси топилса бериб юборамиз. Ҳозирча болани касалхонага ётқизмасак бўлмайди,— қўшиб қўйди онам.

Қўчқорни Самадов деб ўз фамилиямга ўтказдим. Онам — Мангит бувини момо, отамни эса бобо дейдиган бўлди бояги бола.

Болани касалхонага жўнатадиган бўлдик.

— Бир ўзи қийналиб қолмасмикин?— деди отам.

— Ундоқ бўлса ўзим олиб борай, согайганингача бирга бўламан,— деди онам юракдан чиқариб.— Умид билан набира қилиб олдик. Ўзи нимжон, тағин бирор фалокат рўй бермасин.

— Қўнглимдагини топпб айтдинг,— деди отам боланинг бошини силаб.— Соппа-соғ бўлиб кетмагунча касалхонадан жилма, хўпми, кампир?

Биргалашиб Каттақўргон шаҳар касалхонасига бордик. Аввалига ўрин йўқ, дейишди. Сўнгра отам бош врачни топиб, у билан узоқ гапиришиди. Нима деди, нима қўйли, хуллас, отам бош врачни қўндириди:

— Об-бо, Самад бобо тушмагур-ей, хуллас, кабинетимни оладиган бўлдингиз-да,— деди бош врач отамнинг елкасига қўл ташлаб.— Ёш гўдакни тарбияга олиб савоб иш қилибсизлар, майли, кабинетимни бўшатиб берганим бўлсин!

Одамохунликни қаранг, бош врач Қўчқор билан онамга ўз кабинетини бўшатиб берди ва болани ўзим даволайман, деди.

Кунда касалхонага қатнайвериб чарчадим. Буниси ҳам майли-я, борган заҳотим Қўчқор қўлимга қарайди. Қуруқ қўл билан борган куним эркалашининг ҳам мазаси бўлмайди. Бирор нарса олиб борсам «Ота, отажон, эртагаям келасизми», деб атрофимда гирдикапалак бўлади, юзларимдан, кўзларимдан упади, дам менга, дам онамга ташланиб, шўх ўйнагиси келади. Шу эрка-

Ланишлари эснамга тушса бирор нарса олиб боргим келади. Лекин иложим қанча?! Уруш... Қимматчилик, нон, озиқ-овқат жуда танқис.

Бир куни онам ҳеч бўлмаса бирор пиёла қатиқ топиб кел, болага жуда зарур, деб қолди. Бозорга югурдим. Икки киши сут-қатиқ сотялти. Навбат кутиб турганларнинг сон-саноғи йўқ. Мен ҳам навбат олдим. Навбат кутиб турганларнинг бириндан қатиқнинг нархини сўрадим. Киссаларимни қоқишириб кўрсам, бир пиёла қатиққа ҳам пулим етмайди. Нима қилсан экан, кимдан қарз олсан-а?— деб ўйланиб қолдим. Шунда кимдир «теплагингни сотақол, баҳор келиб қолди, барибир энди кераги йўқ-ку», дегандай бўлди. Уйга чопдим. Фронтдан кийиб келган яп-янги теплагимни олиб, бозорга шошилдим. Ҳеч ким сўрамади ҳам. Март ойида ким ҳам телпак кияди дейсиз. Барибир «қоқи баҳоси» бўлса ҳам сотмоқчи эдим. Бахтимга бир мўйсафид учраб қолди. Айтган баҳосига телпакни сотиб, қатиқ олгани ошиқдим. Бир пиёла эмас, бир коса қатиқ сотиб олиб, касалхонага бордим. Буни кўриб онам ҳам, Қўчқор ҳам терисига сифмай қувониб кетишиди.

Қатиқ сабаб бўлдими, ёки бошқа бир сабабданми, Қўчқор ўша кунданоқ ўзини яхши ҳис эта бошлади, оёқ ва қўлларининг шиши қайтди, рангига қон югурди. Аста-секин тузала борди. Олти ой деганда батамом соғайиб кетди.

Қўчқор даволаниб уйга қайтган куни худди ўзидек, ўзидан сал кичик ва каттароқ ўғил-қизларни кўриб, ҳангуманг бўлиб қолди.

— Сира ҳайрон бўлма ўғлим!— дедим Қўчқорни эркалатиб.— Бири — аканг, иккинчиси — уканг, яна бошқаси синглинг бўлади. Ҳаммаларинг ҳам фарзандларим бўласизлар.

Қўчқор хурсанд бўлганидан болаларга қўшилиб ўйнаб кетди.

Ха, у касалхонада даволанаётган кезларда мен бош-

панасиз қолган болалардан тағин уч-тўрттасини «топиб» олиб, уйимизга — отамнинг ёнига бошлаб келган эдим. Отам ғиши терувчи бўлиб ишлар, ундан келган даромад эвазига рўзгоримизни тебратиб турган эди ўшанда.

## Одамдан яхши ном қолсин

Кўчқор касалхонага тушганидан сўнг орадан сал вақт ўтмай, Каттақўргон шаҳар партия комитетига бориб:

— Зерикиб кетдим, ўзимга яраша бирорта иш топиб берсангизлар,— дедим.

— Ишдан кўпи йўқ,— дейишиди шаҳар партия комитетидагилар.— Қанақа ҳунарингиз бор?

Улуғ Ватан уруши бошланганига қадар ўрмон техники бўлиб ишлаганлигимни, ҳозир эса бу юмушга қурбим етмаслигини айтдим.

— Ие, шошманг,— гапга аралашди менинг кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақамни кўздан кечираётган баланд бўйли, қурра бурунли киши ташкилий бўлим мудирига мурожаат қилиб,— бизга худди шундай одам керак эди.

— Ҳм, ҳақиқатан ҳам бизбоп кишига ўхшайди,— гапида давом этди у варақадаги ёзувларни синчнеклаб ўқир экан.— Қандингни ур, азамат, Москва остоналарида укаси Робижон билан бирга, бир полкда жанг қилибди-я! Буни қаранг, Леткорино қишлоғи учун бўлган тенгсиз олишувда ҳам жасорат кўрсатибди. Эҳ-ҳе, Можайск шоссесидаги танклар тўқнашувида оғизга тушибди-ю, камтарлик қилиб гапирмайди.

Василий Акимович таржимаи ҳолимни ҳам ўқиб чиқди, шекилли, Ростовни, Каменец-Подольскни озод қилишда актив иштирок этибди, Сталинград жангидаги жасорат кўрсатибди,— деди шаҳар партия комитетининг бўлим мудирига қараб. Сўнгра гапида давом этди: Генерал Гречконинг 12-армиясидаги ажойиб пулемётчи-

лардан экан-ку! Днепр дарёсига биринчилар қаторида ташланибди-ю, сал бўлмаса ғарқ бўлиб кетаёзибди. У менга ўгирилди-да, мийифида кулиб:

— Урушни «Қизил юлдуз» ордени ва «Жасурлик учун» медалини олиш билан тамомлабсиз-да!— деди. Кейин шахсий деломни папкасига солиб, шаҳар партия комитетининг бўлим мудирига юзланди:

— Бизга юбора қолинг, ўрганиб кетади.

Шаҳар партия комитети ташкилий бўлимининг мудири ўрнидан туриб қўлни беринг оға, деди. Қўлимни узатдим. У қўлимни қадрдонларча сиқиб, илиққина кулди:

— Василий Акимович Мельник жуда тўғри таклиф қиласпти, шу киши билан бирга ишлайсизми?

— Мен солдатман, қаерга буюрсангиз тайёрман!— деб юбордим ҳаяжонимни босолмай.

— Сабзавот ва мева-чева сотишни ташкил этасиз, розимисиз?

— Розиман-у, бу маҳсулотларни қаердан оламан?— дедим.

— Колхозлардан,— деди Мельник.

Уша кундан бошлаб ишга киришиб кетдим. Буёғи Самарқанд, у ёғи Қашқадарё ва Бухоро областлари бўйлаб қишлоқма-қишлоқ юриб сабзавот, мева-чева тайёрлаш керак эди. Дастребаки икки кунда бир центнерга яқин қуруқ мева ва майиз тайёрладим. Бу урвоқ ҳам бўлмади. Лекин, ҳарна-да! Йўғидан бори яхши!— деди Василий Акимович кўнглимни кўтариб.—«Тома-тома — кўл бўлур», ғайрат қиласвер, дўстим!

Яхши гап — жон озиғи! Мельникнинг шу бир оғиз яхши гапи менга далда бўлди. Бора-бора ишларим юришиб кетаверди.

Қайси бир куни кўчада инграб ётган тўрт ёшлик болани кўриб қолдим. Эшак аравани тўхтатиб ёнига бордим. Боланинг уст-боши йиртиқ, кир эди. Бунинг устига оёқяланг.

— Исминг ким, бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Исмим — Айслон,— деди бола қўлимга қараб,— қойним оч, нон беинг.

— Оти Арслон бўлса керак,— деб ўйладим ва аравага ишора қилиб, қўнглини овладим:

— Бизнига борасанми, истасанг эшакка миндириб олиб кетай.

— Нон бейсангиз...

— Нон ҳам бераман, ош ҳам бераман, юрақол!

Арслон ё арманига, ёки бўлмаса озарбайжонга ўхшарди. Ота-онасини умуман билмайди. Бу ерга қандай қилиб келиб қолганини ҳам билмайди.

— Яхши қилибсан, ўғлим!— деди болани кўриб онам,— майли, борини баҳам кўрамиз. Ҳали уйимиздан кепак қанда бўлганича йўқ.

Шу тобда отам тетикланиб кетди:

— Буёғини ўйлама, Ҳамиджон. Қеча, ўтган куни терган гиштларимнинг пулини олганим йўқ, ҳали. Қўрқма, бир амаллаб эплаб кетамиз. Фақат одамларга яхшилик қил ўғлим. Яхшилик — яхшилик билан қайтади. Яхшилик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди, бўтам! Дунёда одамдан яхши ном қолсин! Ҳа, яхшиликка нима етсин!..

Арслонни ЗАГСга олиб бордим. У ерда болани текшириб кўришди. Сўнгра 1940 йилда туғилган, миллати ўзбек деб гувоҳнома бериб, менинг фамилиямга ўтказишди.

Кунлар бири-бирини қувлашиб тошқин дарёдек оқиб ўтиб кетаверди, ҳаёт ҳам шундай... Бу орада рус фарзандлари — Иван Широков, Данат Клепиков, белорус Женя, татар Қерим, яхудий қизи Лиза, тоҷик Нурмажаммад, ўзбек болалари Рашид ва унинг синглиси Ойдин, Суннат, Сафаргул, Мирали, Мурод, Абдунаим деган бошпанасиз гўдакларни ўзимга фарзанд қилиб олдим.

Ҳар гал «янги» фарзандни етаклаб келганимда отам билан онам бир овоздан: «Ўнта бўлса — ўрни бошқа, қирқта бўлса — қилифи» деб руҳимни кўтаришарди.

Газеталар каттақўргонлик Ҳамид Самадов турли миллат фарзандларидан ўн беш болани тарбияга олиб, вояга етказди, деб кўп ёзишди. Лекин, ана шу болаларни «топиб» олишнинг жуда қизиқ тарихи, ғалати воқеалари бор. Ҳаммаси ҳақида гапирсанг каттакон китобга ҳам сифмайди. Шунга кўра баъзилари тўғрисида тўхталиб ўтишнинг ўзи кифоя, дегандай бўлади кимдир. Келинг шундай қила қолай:

Қайси бир куни Чироқчп районига бориб қолдим. Ҳаво иссиқ, дим эди. Йўлда кетяпмиз. Бири-бири билан қўлтиқлашиб, илон изи бўлиб кетган ҳадсиз-ҳисобсиз сўқмоқлар орқада қолиб, қум тепачаларига дуч келдик. Шу нарида қизил-сарғиш барханлар қотиб қолган океан тўлқинларини эслатади. Бархандан тезроқ чиқиб олгимиз келади. Чунки, кун ботгач, кимсасиз бу чўлда адашиб кетишимиз мумкин.

Юк автомашинаси бор кучи билан бўзлаб қанча олға интилмасин, фидираклари қумларни пайпаслаб бир жойда айлана бошлади. Шофер йигит уннайвериб терга ботиб кетди. Бунинг устига қуёш олдинга ўтиб, кабина ойнасига лагандай чўф уриб турибди. Қарасангиз, кўзингиз қамашади. Мотор бўлса оғриниб тариллайвериб қулоқни қоматга келтиради. Шу маҳал отамнинг «эгри ҳам бўлса йўл яхши», деган гали эсимга тушди. Машинани орқага буринг, дедим шоферга. Бурди. Узоқ ҳам бўлса эски йўлдан ҳайдади. Эртакларда айтилганидек «йўл юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик», қуёш товада пишган қўймоқдай сузилиб, уфққа ёнбошлаганида катта йўлга чиқиб олдик. Ярим соатлардан сўнг қабристон устидан чиқиб қолсак бўладими?

Шофер йигит бу ерлардан юриб кўрмаган, билмасди. Иккаламиз маслаҳатни бир жойга қўйиб, шу ерда — қабристон этагидаги барваста тут дарахти остида тушашга қарор қилдик. Туш кўриб, ажиб бир воқеа кўз ўнгимда гавдаланди.

...Баланд тоғлар этагини ялаб ўтган шўҳоқар дарё

лабидаги сўлим боғда анор узиб юрибман. Сараллаб саралаб икки сават апор тердим. Гўё маржондай тизиб қўйилган меваларга маҳлиё бўлиб, узоқ тикилиб қолибман. Бири-биридан гўзал ва йирик анорлардан кўз узгим келмай, бир умр шу ерда қолиб кетсам дейман.

Даражатлар орасидан кимнингдир қораси кўринди. Қўзларим ўша ёқин излай бошлади. Ниҳоят, атлас кўйлагининг енгини тирсагигача шимариб олган бир қизни кўриб, унинг қаршисида тик қотиб қолдим. Бу — Санобар-эди. Икки қўлида икки дона анор ушлаб меига жилмайиб турарди. Ўша икки дона қип-қизил анорни Санобарнинг ловуллаб ёниб турган алвондай ёноқларига ўхшатдим. У қўлидаги анорнинг бир донасини мен тарафга иргитмоқчи бўлди. Икки кафтилни жуфтлаб, ҳовучимни кенг очиб турдим. Буни кўрди-ю, нимкосадай келадиган анорни қулочкашлаб отиб юборди. Ҳовучимга баҳт қуши қўнгандай бўлди. Анорни ушлаб олдим-у, Санобарга кўрсатиб иккига бўлдим, доналари ҳақиқдай ялтираб турарди. Яримини Санобарга узатмоқчи бўлдим, лекин у ҳовучини очмади. Сакраб-сакраб дарё бўйига югуриб кетди. Қувлашга тутундим. У тўхтаб-тўхтаб қочар, мен бўлсам саватлардаги анорга ҳам қарамай кетидан югурадим. Санобар дарёнинг энг саёз жойидан бориб, бир-бирига кифт тегизиб ётган ҳарсанг тошларга оёқ қўйганича нариги қирғоққа сакраб ўтарди.

Санобар кийикдай тез-тез сакраб, тошдан-тошга ўтгач, бир жойда тўхтаб қолди. Мен ҳам жон ҳоврида югуриб бориб, унга қўл узатдим. У ҳам менга қўл чўзмоқчи бўлди. Сувга қарадим. Тош устида омонатгина тик турган Санобарнинг бутун қадди-қомати зилол сув бетида қалқиб турарди. Ирғиб унинг ёнига ўтмоқчи бўлдим-у, шалоп этиб сувга йиқилдим. Санобар ҳо-ҳоҳолаб кулганича, қани қўлингизни беринг, тез бўлинг деб шошилтиради....

...Эртага Совет Армияси сафлига жўнайман деб турганимда, Санобар ниманидир айтгани бизникига келган-

ди. У ҳовлимизга қадам қўйгани чўчириди. Отаси: агар ўша Ҳамидларининг остонасига қадам қўйсанг, оёғингни қирқаман, деганимиш.

Бахтимдан ўргулай, отаси қишлоқдаги қариндоши-никига кетибди-ю, Санобарнинг йўли очилибди. Икки қўлига иккита челак кўтариб, бизниги сувга келди. Мен бўлсам, ўша куни даҳлизда энди тандирдан узилган кулча поиларни дастурхонга яйратиб, ишқ-чиқ йинглаётган онамнииг кўнглини кўтарай деб турардим. «Ҳафа бўлманг, онажон деб онаизоримга далда берардим. Ўкасининг якtagини бошига ёпиниб, юзини бекитганича эшик олдидан бир қиз лип этиб ўтиб кетди. Юришидан, эгнидаги кўйлагидан Санобар эканлигин билдим. Орқасидан тикилиб қолдим. У остонаядан ҳатлади-да, тўғри ҳовлимиз тўридаги қудуққа қараб кетди.

— Э, хола, қудуқнинг қопқоғини бекитиб қўювдим, болалар очиб, сувга хас-чўп ташлашади,— дедим жўрттага. У якtagининг бир ёқасини кўтариб, қовогини солди:

— Қачондан бери биз сизга хола бўлиб қолдик?

— Ие, Санобархон, сизми, қачондан бери биздан юзингизни яширадиган бўлиб қолдингиз? Ҳеч бўлмаса бизларниги келганда ундаи қилманг, ҳаммаси ўзингизнииг одамларингиз-ку. Бунишг устига, маҳаллада биз бир-икки куиллик меҳмонмиз, холос.

Санобар чиройли кўзларини менга тикиб, ўйланиб қолди.

Икки челак сув тортиб, супага олиб чиқдим. Санобар кетимдан эргашди. Даҳлизда тоғарада яна хамир қоришираётгани ошам супрани қоқаман деб, хаёл аралаш ёнбошига мункиб кетди. Узича ғудирлаб, ўрнидан қўзғалаётганида бизга кўзи тушди. Билдим: ошам кўзларига тагин жиққа ёш олди, бизга узоқ тикилиб қолгуси, тўйиб-тўйиб қарагуси келди, лекин ўзини кўрмасликка олиб, даҳлизнинг тўрига ўтиб кетди.

— Эртага кетяпман,— дедим Санобарнинг нозик пан-

жаларни учидан беозор ушлаб.— Бир оғиз сўзинингга муштоқман.

— Ой бориб, омон қайтинг!— деди ички ҳаяжонини яширолмай.

Тўсатдан эшик тақиллаб қолди. Санобар чеалакларига ёнишди. Яна бир оғизгина ганиришни илтижо қилдим. У бошқа ҳеч нарса демади. Фақат бир парча қогозни узатиб:

— Ҳамма гап шу қогозда ёзилган,— деди-ю, чеалакларини даст кўтариб, йўргалаб қолди. Эшикка суюнганимча Санобарнинг хатига кўз югуртирдим:

«Ҳамид ака!

Қиз боланинг ўғил болага хат ёзиши ҳаммага ҳам ғалати тувлса керак. Шунинг учун хатимни ўқиб кулманг. Мен Сизни ҳурмат қиласман. Биз ҳали ёшмиз.. Урушдан эсон-омон қайтиб келсангиз бўлгани. Қейин гаплашамиз. Санобар».

Хатда ўламан-куяман деган гап йўқ. Иболи қиз-да. Ақалли севаман, яхши кўраман ҳам демабди. Йилгит бўлатуриб бу ганини мен дангал айтотмаганман-у, қиз бола ҳад қиласмиди. Санобарнинг кўли билан битилган шу бир парча хат неча марта қор, ёмғир остида қолиб ивиб, анча саргайиб ҳам кетган. Лекин ҳарфлари ўчган эмас, ўзимни, қуролимни, совет солдати деган номни қандай сақласам, бу хатни ҳам шундай авайлаб-асрашга онт ичганман.

Оғир дамларда ҳам, ажал ёмғирлари остида қолганимда ҳам, фронтда гоҳо бўладиган жимлик пайтида ҳам хатни оламан-у, ҳидлайман, кўзларимга суртаман. Баъзилар киши сира тушунмайдиган duo ёзилган қогозни тумор қилиб тақиб юришади. Менинг туморим — шу. Гоҳо кўнглимдан ўтказаман: «Ҳамидбой, шу хатни йўқотмасанг, ўлмай-нетмай, уйингга омон-эсон қайтасан. Борди-ю, хат йўқолса, вассалом...».

...Баданимга совуқ сув сепилгандай бўлди, кўзимни очсам, тоиг бўзариб келяпти. Теварак-атрофга разм сол-

дим: Қабристон ўртасидан бир бола бизга қараб келяпти. Ёнида олапар ити ҳам бор.

— Ваня, ановини қара!— деб юборибман овозимининг борича.

Шофер иргиб ўрнидан турди-да, бу манзарани кўриб, дарҳол милтиғига ёпишди.

— Ҳўш, отмоқчимисан?— дедим.

— Бўри десам, бўрига ўҳшамайди,— деди у кўзларини ишқалаб.

— Бўрига бало бормп гўристонда, кўрмаяпсанми, кучук-ку! Анави боланинг ити бўлса керак.

— Бевақт нима қилиб юришибди бу ерда?— милтигини кифтига осиб, елка қисди шофер.

— Ҳозир боланинг ўзидан сўраймиз.

Кўлимни кўтариб болани имладим. У кучугини олдига солиб, қўрқмай биз томонга келаверди. Олапар бизни кўриб вовуллагач, бояги бола итнинг бўйнидаги ипидан маҳкам ушлаб тўхтатди.

Болага яқинлашдик. Ҳол-аҳвол сўрагани энди лаб жуфтлаган эдим, у йиғлаб юборди.

— Қорнинг очдир балки, ма, буни ол!— дедим бир бурда нон билан икки чақмоқ қанд узатиб.— Тез-тез еб ол.

Тўққиз ёшлиқ Нурмаҳаммад нон билан қандни худди бирор тортуб олаётгандек икки қўллаб ушлаб багрига босди.

— Биз билан бирга кетасанми, Нурмаҳаммад?

— Отамининг қабрини ташлаб қаёққа кетамаи? У шу ерга дафн этилган,— деди у катта ёшдаги кишиларга хос ақл-идрок билан.— Ҳали онамни тошишм керак, Одина билан Ниёзниям қидиришпм керак.

Бу гапларини эшитиб, юракларим эзилиб кетди.

— Оталининг қабрини биргаликда келиб зиёрат қилиб турамиз, онангни ҳам, онанг билан акаангни ҳам топамиз. Юр бизникига!— деб таклиф этдим.

Нурмаҳаммадининг олапарини ҳам машинага ортдик.

Яккабоғ ва Шаҳрисабз районларидағи бир қанча қишлоқларда бўлиб мева тайёрлаб, яна Каттақўргонга қайтдик. Нурмаҳаммад бизнинг ҳовлига қадам қўяр экан, уни бир гуруҳ болалар қуршаб олишиди. Улар орасида ўзбек, рус, туркман, белорус, яхудий ва бошқа миллат фарзандлари бор эди. Нурмаҳаммад болаларнинг дам унисига, дам бунисига қараб, ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Уялма, сира уялма! — деди отам унинг ишонасидан ўниб. — Бири уканг, бири аканг, синглинг бўлади. Кўшилишиб ўйнайвер.

Бунгача Иван, Рашид, Мирали, Суннат, Керим, Мурод, Лиза, Женя, Ойдин, Жумагул, Абдунам дегап бошпапасиз ўғил-қизларни тарбияга олганинни Нурмаҳаммад билмасди. Ҳаммаси ҳам шу амакимнинг болалари бўлса керак, деб ўйлади чоғи, тез орада тил топишиб кетди.

Иван бошқалардан ажралиб турарди. У бошқа болаларга қараганда эслироқ эди. Бир куни Ваня болаларни йиғиб, нималардир ҳақида гапириб беряпти. Ўзимни панага олиб қулоқ солиб турдим. Ваня қандай қилиб ўнг қўлидан ажралганлиги ва ҳарбий госпиталда даволангач, қандай қилиб Каттақўргонга келиб қолганлиги, мен билан учрашганлиги тўғрисида ҳикоя қилиб берарди. У нималар деган бўлса, ҳаммасини бир қолишига солиб гапириб бера қолай. Тингланг: Немис самолёти пулемётдан отиб ўтиб кетди. Биз тушган поезд суст борар, эҳтимол, у қалишироқ ўрмонни кўзларди. Катта йўл тарафдан яна самолётлар тўдаси кўринди. Бомбардимончилар тўғри экспресс устига ёнирилди, вагонларга тегай-тегай деб учиб, жаладек ўқ ёғлирди, яна осмонга кўтарилиб, бомбалар ташлаб кетишди. Энг охирги вагон олов олди. Поезд қуюқ арчазорга кириб таққа тўхтади.

— Ҳамма ўрмонга, тезроқ ўрмонга! — деб сигнал берди машинист. Ҳаммамиз ўрмонга ўочдик. Вагонлар бўм-бўш қолди.

Яхшиям ўрмонга кирдиқ, оламдан ўтиши мизга сал қолди-я!— дедим ёнимдагиларга.

— Ҳозир куладиган вақтми, Вания, овозингни ўчир!— деди кимдир.

— И-я, кулмай йиғлайми. Бошимга тегирмон тоши тушса ҳам ёш чиқармайман, шошмай туринглар, ўзимизниң жангчилар учраб қолса, уларга қўшилиб кетаман.

Яна кимдир пичиниг қилди:

— Қаҳрамонни қаранг-а, олдидан қора мушук кесиб ўтса, изига бурилади-ю, тагии кўзпидан ёш чиқармайман, дейди. Нонни катта тишиласанг ҳам, гапни катта гапирма, оғайни, бир бало қилиб эсон-омон қолишини ўйла!

— Сендақа қўрқоқлардан эмасман,— дедим,— ўнг қулогинг билан ҳам, сўл қулогинг билан ҳам эшитиб қўй, сен қайтсанг ҳам, мен қайтмайман. Ана қўрасан, жангчиларимизга қўшилиб кетаман. Болалар уйида қиладиган ишим ҳам йўқ энди.

Шу тобда ўрмон устида қўш қанот самолёт пайдо бўлди. У тепамизда икки марта доира ясади. Кимдир парашютдан ўзини ташлади. Парашютчи очиқ майдончага тушмоқчи бўлди, шекилли, ҳадеб оёқларини ўша ёқقا силкитарди. Лекин шамол зарб билан парашютни дарахтзорга учирди, парашютчи катта бир қарагай шохига илашиб қолди. Ҳамманииг кўзи ўша кишида эди.

Үрта бўй, яғринлари кенг, жуссадор, салобатли киши дарахтдан тушди, тўппончасини енг ичидаги тутиб, парашютни ерга кўмди, олга қараб ўн беш қадамлар чамаси босди, у ёқ бу ёққа қулоқ солди. Шу пайт мен югуриб, унга пешвоз чиқдим.

— Сен ким бўласан, бу ерларда нима қилиб юрибсан, болакай?— сўради парашютчи.

— Саёҳатга кетаётган эдик,— дедим.

У ўзимизниң офицер, разведка ротасининг командири экан. Бизни қутқазгани келибди.

— Ҳамма йигилди, ўртоқ офицер,— дедим. Болалар уйида пионер горнларида ҳам кўпинча мен рапорт берардим.

— Таи-тайёр солдатсан-ку, азамат!— елкамга қоқди командир.

— Энди мениям разведкачи қилиб оласизми?

— Мумкин эмас, ёшсан,— деди капитан.

— Барибир сиздан қолмайман!— деб оёқ тираб олдим.

— Оббо азамат-е, чинакам рус фарзаидпсан-да!— деди у.

Капитан ўрмонзордаги пассажирларни тўплаб, бугун эрта тоңга немис-фашист босқинчиларнинг чегарамизига хиёнаткорона бостириб кирганлигини, Улуг Ватан уруши бошланганинги билдириди. Кейин:

— Немис самолётлари темир йўлнинг икки жойини бомбардимон қилиб, қўпориб ташлабди. Саперларимиз келиб тузатишади. Шом кирап-кирмас сизларни орқага жўнатамиз,— деди.

Шундай қилинди ҳам. Оқшом ғира-ширасида «Серго» паровози бўш вагонларни етаклаб келди ва ҳаммамизни миндириб қайтди.

Капитан биз тушган поездни янаги станциягача кузатиб қўйиши керак экан, у бизнинг вагонда борди. Мен унга тикилиб боқардим-у, бироқ дардимни ёришга сира ботинолмасдим.

Поезд симафорга яқинлашай деб қолди. «Станцияда кўп тўхтамаса керак,— деб ўйладим,— нима бўлса ҳам сўрайман». Ниҳоят, ўзимни тутиб олиб, сўрадим:

— Қайси қисмдансиз, ўртоқ капитан?

— Н-ҳарбий қисмданман,— деб қўя қолди у.

Нима дейишимни билмай, ерга қарадим. Шу топда капитан.

— Бирор кишинг армиядами?— деб сўраб қолди.

— Ҳа, отам армияда. Никифор Широков, лейтенант,— дедим.

— Шошма, лейтенант Широков-а, ўнг юзида доғи бор.  
— Худди ўзи,— дедим кўз ёшларимни тўхтатолмай.  
— Э, у менинг ротамда взвод командири-ку,— деди капитан,— бизга яқинда келган.

— Ҳозир қаерда у?

— Фронтда. Бу ердан чамаси саксон километрлар нарида. Соғ-саломат. Отанг жуда забардаст,— кулиб қўшиб қўйди капитан.

— Сиз билан бирга бораман, отамни кўриб қайтаман.

— Фронт линиясига сени қўйишмайди. Қўйишса ҳам... Йўқ, йўқ, олиб кетолмайман!— деди капитан қатъий қилиб.

Роса ёлнордим. Капитаннинг қўлидан ушлаб йиғлай бошладим. Барибир унамади. Бизни белгиланган жойгача кузатиб қўйиб, ўзи орқасига қайтди. Мен ҳам билдирамасдан изидан боравердим. Бу маҳал бизнинг поезд кўздан фойиб бўлган эди.

— Капитан сезиб қолса ҳам бир ўзимни жўнатмайди,— хәёлимдан ўтказдим.— Балки раҳми келиб ўзи билан бирга олиб кетар-а?!

Ўйлаганимдек бўлиб чиқди. Капитан қайси бир поездга билет олиб вагонга чиқаётган эди, югуриб бориб, шинелининг баридан ушладим. Ялт этиб қараб:

— Ие, Ваня, қандоқ қилиб шерикларингдан ажралиб қолдинг?— деб сўради.— Мен сени ҳам жўнатувдим чоғи!

Вагондан ўзимни ташладим...

Капитан паҳтадай оқариб кетди. Буни бир ўзини жўнатсам тағин бирор касофатга йўлиқмасин, деб қўрқди шекилли, вокзалдаги комендант ихтиёрига топшираман сени,— деди.

— Барибир қочиб кетаман, фронтга — отамнинг ёнига қочаман!

Паровоз сигнал берди. Поезд ўрнидан қўзгалди. Капитан мийигида кулди-да, вагонга чиқ!— деди. Иргиб вагонга чиқиб олдим.

— Майли, олиб кетаман. Лекин штабга топшираман, полк ўғли бўласан,— деди ҳалигача индамай келаётган капитан.

— Ихтиёргиз, офицер амаки.

Капитан айтганини қилди. Мени полк штабинииг бошлиғига топшириб, ўзи қаёққадир кетиб қолди. Шу срда бир кеча ётдим. Янаги куни Широков деган лейтенант мени излаб келибди. Дарҳол пайқадим. Капитан юборган уни. Афсуски, менинг отам эмас, бошқа Широков экан. Бир-бирига ўхшаш исм-фамилиялар кам дейсизми. Ҳафсалам пир бўлди. Бироқ, бу ердан кетмасликка онт ичдим.

Полк командири кумушсоч полковник штаб бошлиғига буюрди:

— Вания Широков полк ўғли бўлиб қолади. Ҳарбий-часига кийинтиринг!

Мана, шундай қилиб, мен солдат ҳам бўлиб қолдим. Йўғ-е, разведкачи бўлиб олдим. Мени «полк ўғли» деб аташади. Бироқ, бу узоққа чўзилмади. Қайси бир қаттиқ отишма пайтида ўнг қўлимни осколка юлиб кетди. Бир қўл бўлиб қолдим. Госпиталда узоқ даволандим. Сўнгра бир гуруҳ инвалидлар қатори Каттақўронга келиб қолганман. Қўчада санқиб юрганимда мана шу уйпинг эгаси Ҳамид амаки ота-онасиининг ёнига етаклаб келди. Қарасам, бу ерда мендан бўлак яна беш-олтига бола бор экан. Иноқлашиб кетдик...

Вания Широков ҳикоясини тамомлар экан, болалар оғир хўрсиниб қўйишиди.

Уларнинг урушга бўлган нафрати чўғдек ёниб турган кўзларидан ҳам билиниб турарди.

Буларни қандай қилиб боқамиз энди, деб бошим қотиб турганида, яна бир рус бола уйимизда пайдо бўлди. Данат исмли бу болани отам билан онам етаклаб келшибди. Мен ҳам танигандай бўлдим уни. Данат жуда озғии, ҳатто қовурғалари кўриниб қолганди. Беҳол, бе-

дармон, юрганда у ёқ-бу ёққа чайқалиб кетади, қалти-райди.

— Қуп-қуруқ сүяк-ку, бу!— дедим отам билан онамга.— Энг тўйимли овқат бериб боқмасак одам бўлиши қийин.

Ростини айтсам, ўзимиз ҳам тўйиб овқат емасдик ўшанда.

— Танимаяпсанми?— сўради отам.

— Қаердадир кўрганга ўхшайман.

— Ўзимизнинг маҳалладаги етим бола-да! Эсингда борми, урушдан икки йил аввал кўчиб келишувди. Жудаям қийналиб қолибди, отанг билан маслаҳатлашиб тарбияга олсак дедик. Шунча бола сиққан уйга яна бир бола сиғмай қолибдими?! Майли, «ўнта бўлса ўрни бошқа — қирқта бўлса қилиғи» деганлар-ку!

Онамнинг бу гапларини эшитиб, фронтда кўрган-кечирганларим, айниқса оч-ялангоч қолган гўдакларнинг ноласи, немислар отиб ташлаган бегуноҳ болаларнинг мурғак мурдалари кўз ўнгимда гавдаланди...

...Сталинград яқинидаги стратегик жиҳатдан муҳим бир қишлоқни фашистлардан тозалаш ҳақида бўйруқ олдик. Тиш-тироғига қадар қуролланган гитлерчилар қаттиқ қаршилик кўрсатишиди. Саккиз марта ҳужум қилдик, саккиз марта ҳам қайтаришиди бадбахтлар. Тўқ-қизинчи марта ташклар ёрдамида ҳужумга ўтдик. Бу гал фрицлар ҳийла ишлатишиди. Аввал аёлларни, улар кетидан болаларни ҳайдаб келаверишиди. Икки орадаги масофа яқинлашгач, гитлерчилар окопларга писиниб олиб, олдиндаги хотин-халаж ва бола-чақаларга рус тилида бўйруқ беришарди:

— Русишь, олға!

Аёллар ва болалар изиллаб чопишар, ҳолдан тойганлари ўзларини таппа-таппа ташлаб, қимир этмай қолишарди. Буни кўриб немислар шулемётлардан ўққа тутишар, одамлар тутдек тўқилишарди.

— Отилмасин! — деган команда эшитилди. Танклари-миз ҳам бир лаҳза тўхтаб қолишиди.

— Душман қуршаб олиниси! — тағин команда берилди.

— Самадов, пулемётинг билан чап қанотга юур! Иванов — ўнг қанотга! Буйруқсиз ўқ узилмасин!

Пулемётларни судраб, инқиллаб, терга ботиб эмаклаймиз, душманни халқага олишга ошиқамиз. Ниҳоят, командир айтган жойга етиб бордик. Ҳа, ўзпям душманнинг нақ биқинидан чиқибмиз. Осмонда уч марта қизил ракета пайдо бўлганида пулемётларни сайратиб юбордик. Фашистларни ҳар иккала ён бошидан ўққа тутдик. Аблаҳлар буни сезгач, нуқул олдинда бораётган аёллар билан болаларга қаратиб отишиди. Хайрият, улар бирдан ётиб қолишиди. Бу маҳал бизнинг артиллерия тўппа-тўғри нишонга олиб, немислар турган жойни роса савалади. Тўплар овози тингач, ҳар икки қанотдан ҳужумга кўтарилидик. Фрицларниң қочгани-қочолди, қочолмагани қўл кўтариб асирга тушди. Қанчадан-қанча болалар, уларнинг онаизорларн бекордан-бекорга ўлиб кетди. Улар учун немислардан қатиқ қасос олдик.

...Уша воқеани эсларканман, мана, ҳозир рўпарамда турган рус фарзанди — Данатга қараб, кўнглим бузилиб кетди, кўзларимга беихтиёр ёш югурди.

Данат тарбияга олган болаларимниң ўн бешиничиси эди. Уни ўн ёшлик чоғида — уруш арафасида кўрганман. Бўйли, чаққон бола эди. Мана энди уни кўриб, кўзларимга ишонмайман: шундай дўмбоққина боладан куруқ суюги қолибди. Лаънати уруш болаларниң ҳам тинкасини қуритди.

Данатниң тоби қочиб қолди. Отам билан онамдан, кимлари бор, деб сўрасам, холасидан бўлак ҳеч кими йўқ, бу бечоранинг дейишиди. Холаси ҳам ўзи билан ўзи овора.

...Данат туғилмасдан бир ой илгарп отаси ўлган. Тўрт ёшлигида онадан ажралган. Шундан кейин холаси

тарбияга олган уни. Иваново облатининг Родники шаҳридан Каттақўргонга кўчиб келганиларидан сўнг орадаи сал вақт ўтмай Улуг Батан уруши бошланиб кетди. Данат холасиникида тураверди. Уруш йиллари халқимиз бошига оғир кулфат тушди. Кўпгина аёллар бева қолди, болалар етим қолди. Озиқ-овқат танқис эди. Шундай кезларда Данатлар хонадони ҳам аинча қийналиб қолди. Болани ўлим чангалидан юлиб олиб қолниш керак эди. Холаси рози бўлгач, у бизнигга келди, ўп тўрт бола орасида ўсиб-улгайиб, кам бўлмади.

## Тўрт халта кепак тарихи

Болалар кўпайган сари ташвиши ҳам орта борди. Ўн беш болани боқиши ҳазилми, дейсиз?

Бир куни гапдан-гап чиқиб, отам маслаҳат бердилар:

— Болаларни ўқитишишга-ку имкониятимиз йўқ. Бирорта ҳунар ўргатсак дейман.

— Қанақа ҳунар ўргатишимиз мумкин?

— Мен фишт теришни ўргатаман. Сен ҳам қўлингдан келганини...

Отам уста фишт териувчи эди. Мен бўлсам уруш бошланиб кетиб, дурустроқ ҳунар ўрганолмадим. Ҳозир инвалидман. Болаларга нимани ҳам ўргатишим мумкин.

Болалардан Қўчқор, Рашид, Мирали, тағин бир-икитаси отам — Самад бобога шогирд тушишди. Орадан уч-тўрт ой ўтмай, улар бинойидек фишт терадиган бўлиб қолишли. Рўзғоримизга оз бўлса-да қўшимча даромад кела бошлади. Лекин барибир қийин эди. Болалар соғон тўшакда ётишарди. Кўрпа йўқ, кўрпача йўқ, кийим-кечаклари қирқ ямоқ...

— Ҳозир асосан уларнинг қорнини тўйғазиш керак! — деди отам болаларни синчиклаб кўздан кечиравкан. — Бир амаллаб пшиқчиликка чиқиб олсак бўлгани...

Үйланиб қолдим. Озиқ-овқат тугагаш, супра қуруқ, бозорга чиқарыб сотаңгаш яхшироқ буюм ҳам йўқ, уйда.

— Этигимни сотаман!— дедим отамга.

Етишмовчилик қурсин. Ноиложликдан нима ҳам қиласардик. Отам индамади. Демак, билганингни қиласер, дегани бу.

Жаңгапаң кийиб келган шинель билан этикни сотишдап бошқа иложим йўқ эди.

Бозорга бордим. Бирор у деди, бирор бу деди. Шинельга икки халта кепак, этикка бир халта широт бермоқчи бўлишиди. Баҳоси сал ошармикан деб тушгача кутдим. Йўқ, қайси харидор савдо қиласини, буидан ортиқча беролмайман, баҳоси шу, дейди.

Қарасам, бозор тарқалиб боряпти. Бир зумда одамлар сийраклашиб қолди. Энди нима қиласан, деб турувдим, ёшгина бир йигит ёнимга келиб сўради:

— Хўш, тога, шинель билан этикка нима берай?

— Берганингни беравер-а!— деб юборибман жонидан тўйган одамдек.

— Сотадиган бўлсаигиз, баҳосини айтинг-да!

Қарасам, йигитча изига бурилиб кетадиган...

— Пул керак эмас, ун-пун берсангиз бўлади, иним,— дедим. Йигит кулди:

— Ун отлиққа топнлмайди-ю...

— Бўлмаса нима берасиз?

— Тўрт халта кепагим бор, хохласаигиз...

— Хўп бўлади, м-майли!— деб юборибман.

Шинель билан этикни тўрт халта кепакка алиштириб, уйга қайтдим. Роса аталахўрлик бўлди ўша оқшом.

Келгуси куни дўконда мева-чева сотиб ўтирган эдим, қаёқдандир Василий Акимович Мельник келиб қолди. Совуққина саломлашди-да, бақириб юборди:

— Сенга нима бўлди, Ҳамид! Уст-бошингга қараб бўлмайди. Этик билан шинелинг қани? Сотиб ичишга улгурисан-да!

— Ахир менинг бола-чақам кўп, уларни боқишим керакми?!— ўзимни тутолмай мен ҳам бақириб юбордим.

— Ўйлаб топган гапишигни қара-я! Ахир, сен бўйдоқсан-ку, ҳужжатларингда шундай деб ёзилган-ку! Ўз қўлинг билан шундай деб ёзгансан-ку!

Ўзимни бироз тутиб олиб, дедим:

— Ишонмасангиз уйга юриинг. Ўз кўзингиз билан кўрасиз.

— Машинага ўтириш!

Василий Акимович ҳовлига кирди-ю, ўн беш болани кўриб, елка қисиб қолди. Сўнгра болаларга бирма-бир разм солди: бири оёқ яланг бўлса, иккинчисининг кўйлағи йиртиқ, яна бирорининг шими қирқ ямоқ... Рус, ўзбек, белорус, яҳудий, туркман болалари... Бири-биридан киничик, бири-биридан нозик...

Василий Акимович болаларни тағиц бир бор бошдан оёқ кузатаркан, ўзини тўхтата олмади, кўзларида ёш ҳалқаланди. Мени бағрига босди. Отам — Самад бобонинг, онам — Манғит момонинг пешонасидан ўпди.

Ҳайронман, қанақа одамсан, ўзинг. Инвалид бўлсанг. Егани ҳеч нарса йўқ. Бунинг устига битта-иккита эмас, ўн беш болани тарбияга олибсан?! Кел, мен ҳам сенга қўлимдан келгунча ёрдамлашаман.

Василий Акимович шу заҳотиёқ мени уйига олиб кетди. Телефон қилиб, Евдокия Петровна Ситникова деган аёлни чақиритирди.

— Бугундап бошлаб Ҳамидга ҳоли-қудрат ёрдамлашиб турасиз,— деди Ситниковаға юзланиб,— бола-чақаси кўнайиб кетибди.

— Қўйиниг шу ҳазилнигизни,— кулди Евдокия Петровна.— Ҳамид, ҳаммага маълум, бўйдоқ-ку!

— Бўйдоқликка-ку, бўйдог-а, аммо бола-чақаси кўп бўйдоқлардан-да!

Ситникова ҳайрон бўлиб, менга қаради.

— Василий Акимович тўғри айтганилар,— дедим.— Бола-чақа кўпайиб кетди.

Евдокия Петровна ҳамои ҳайрон эди. Василий Акимович менга бир бухонка ион бериб, тайинлади:

— Ҳозирча топганим шу! Болаларга яхшироқ қарапаш... Евдокия ҳам бу ёқдан кўмаклашиб туради. Биз бир ёқдан-сиз бир ёқдан дегандай, мен ҳам қўлимдан келганини аямасман. Асосий мақсад — болаларни эсономои асрар қолиши...

— Ҳа-а, энди тушундим,— деди Ситникова илиққина кулиб.

— Тушунган бўлсангиз, Ҳамид билан бирга бориб, болаларидан хабар олинг!

Үйга қайтиб келсам, этигим билан шинелимни сотиб олган йигитча ўтирибди. Уни кўриб юрагим шув этиб кетди. Тўрт халта кепакни қайтариб беринг деса-я!.. Яхшиям, Евдокия Петровна болаларни кўрибоқ, улар билан андармон бўлиб қолди...

Йигитча нимадир айтмоқчи бўлди, лекин негадир тили бормади. Кепакни сўрагани уялаётгандир, дегандай бўлди кимдир.

— Хўш, хизмат?— сўрадим безовталанаётганлигимни билдиримасликка уриниб.

— Отам, акам роса адабимни беришди,— гап қотди йигитча ерга қараб,— этик билан шинелни эгасига олиб бориб бер, дейишди. Олиб келдим.

— Кепакнинг бир халтасини еб қўйганмиз-ку, ним,— қолгани шундоққина турибди. Олиб кетаверинг, аммо бир халта кепак қарздорман.

— Нималар деяпсиз, ўзи?— сўради у аччиқланиб.— Ўйдагилар кепакни қайтариб олиб келма тагии, деб ташнилашиди. Ӯша одамга бизлардан салом айтиб қўй, дейишди ҳатто. Отам отаигизни, акам ўзингизни талир экан.

Йигитча билан бир пиёла чой устида пича гурунгашдиқ. Маълум бўлишича, у менинг шинелим билан этигимни тўрт халта кепакка алиштириб олгач, отаси билан акаси кимдан олдинг деб сўрашибди. Йигитча

менинг бўйи-бастимни, ранги-рўйимни, бир қўлим танғиб боғланганини, бир оёғимга оқсашимни, хуллас, ҳамма — ҳаммасини таърифлаб берибди. Шунда отаси бундай дебди:

— Ўша одам Самад бобонинг катта ўғли — Ҳамид деган йигит бўлади. Яқинда фронтдан инвалид бўлиб қайтган деб эшиштудим. Бошпанасиз қолган болалардан ўн бештасини тарбияга олибди. Бир бориб кўриб кела-ман деб сира вақт тополмаяпмай. Самад бобонинг ўзням жуда ажойиб инсон. Бир дона майизни қирққа бўлиб ейдиган кишилар хилидан. Бизга кўп марта яхшилик қилган. Минг тўққиз юз қирқ учинчи йилнинг қирчилла-ма қишида бир қоп ун сўраб борувдим. Йўқ демади. Бир челак зигир ёғи ҳам қўшиб бериб юборди. Ўзига тўқ эди, ўшанда. Уччала ўғли ҳам фронтда эди-я! Топган-тутганини одамлардан аямасди барака топгур. Шундай оли-жаноб кишининг инвалид ўғлининг этиги билан шинели-ни олиб келдингми-а? Бор, ҳозирнинг ўзидаёқ обориб бер! Яхшилик-яхшилик билан қайтсин. Фронтдаги ўғил-ларининг ҳам дарагини билиб кел.

Шундай деди-ю, йигитча ажабтовур бўлиб кетди. Отангизни кўриб, отамдан салом айтишим керак деди. У киши бозорга — майда-чуйда олгани чиқиб кетувди-лар-ку, десам, бўлмаса, фронтдаги ўғилларидан хат-хабар борми, деб сўраб қолди.

— Укам Азимжон уруш бошланганида чегарада эди. Ҳозир ҳаракатдаги армияда — фронтнинг энг оловли жойида. Кичик укам Робижон билан бирга Мюоква осто-наларида немисларга қарши жанг қилганмиз. Сўнгра ажралишиб кетдик. Мен аввал алоқачилар взводига, ке-йинчалик нулемётчилар взводига тушдим. Робижонни зенитчилар бўлинмасига олишди. Ҳозир ҳам зенитчи артиллерияди. Яқинда «Жасурлик учун» медали билан мукофотланибди. Хат келди, руҳи тетик, немисларни су-риб боряпмиз, деб ёзибди.

Куёш ҳам товада пишган қўймоқдай сузилиб, уфқ-

қа ёнбошлади. Эшикдан Евдокия Петровна кириб келди.

— Энди менга жавоб берасиз, кечикяпман,— деди бояги йигитча.— Отангизга кўпдан-кўп салом айтиб қўйинг.

Кузатиб қўйдим. Бироқ, шунча гаплашиб ўтириб, исмини, отасининг отши ҳам сўрамабман унинг. Отам бозордан келганидан сўнг бўлган воқеани гапириб берган эдим, сира эслай олмайман, ким бўлди экан-а? деб елка қисади. Уша йили йигиб қўйган анча-мунча буғодийимиз, унимиз бор эди, анча-мунча кишиларга қўлдан келганча ёрдамлашдик, лекин қайси бири эсимда ҳозир, ўғлим, деди.

— Шунча яхшилик қилиб, ҳатто бир-бирингизнинг исм-шарифингизни билмайсизлар-а,— гапга аралашди Ситникова.— Қандай тўзал табиатли, ички дунёси бой, қалби булоқдек соф кишиларимиз бор-а! Немис-фашистларни Ватанимиз тупроғидан улоқтириб ташлаётганлигимизнинг боиси ҳам мана шунда эмасмикин?

...Евдокия Петровна бизнига тез-тез келадиган бўлиб қолди. Ҳар келганида ё шўрва, ёки бўлмаса бўтқа кўтариб келади. Василий Акимович Мельник худди шундай деб тайинлаган. Энди болаларнинг тақдири учун Ситникова ҳам биз билан баравар қайfuradиган бўлди. Болалар Евдокия Петровнага чин ихлос қўйиб, уни Дуся хола деб атайдиган бўлиб қолишиди.

Кунлар ўтиши билан болалар анча тетиклашиб қолди. Уст-бошларининг кам-кўстини тўғрилаб олдик. Турмушимиз бироз изга тушгандай бўлди.

## Келин келган кун

Уруш тугай деб қолди. Болаларим ҳам анча тинч, рўзгорим ҳам. Бир ёқдан ўзим ишлаб топаман, иккинчи томондан отам гишт териб, уйга ризқ-рўз ташпиди. Яна



Суратда: Ҳамид ака Самадов ўз рафиқаси Санобар опа билан.

бошқа бир ёқдан Дуся хола жонимизга аро кирянти. Василий Акимовични айтмайсизми?! Ҳафтада бир марта ҳолимиздан хабар олиб туради. Турмушни апча изга тушириб олганимиз.

— Энди бир бошингни иккита қилининг керак, ўғлим!— дейишди отам билан опам.

— Бунча бола-чақа билан ким ҳам тегарди менга,— бунинг устига қин-қизил камбагал бўлсам.

— Санобар-чи?

— Ўн саккиз-ўн тўққиз ёшлик дилбар қиз 15 боланинг устига ҳовлингизга келадими ахир?!

— Сени севади-ку, ўглим!

— Севади-ку эмас, севарди-ку, денг!

— Балки ҳозир ҳам севар. Сен қаёқдан биласан,— сўради онам.— Ўзи билан гаплашиб кўриш керак.

— Қим ғаплашади?

— Қим бўларди, онанг-да!— деди отам.— Дуся холани онангга муовин қилиб тайинлаймиз. Иккаласи «пишириб» келар-да.

Дил чирофим ёнгандай бўлди. Кошкийди, «пишириб» келишса,— дедим.

Санобар урушга кетаётганимда ҳам «сизни дейман, ой бориб омон келинг!», деганди. Минг тўққиз юз қирқ иккинчи йили еттинчи синфни тамомлаб, Каттақўргон шаҳридаги «Учинчи беш йиллик» тикувчилик артелига ишга кирган. Бир печа ой шогирдлик қилган. Сўнгра бичиши-тикиш ишларига қўли қовушиб кетгач, мустақил тикувчи бўлиб ишлай бошлаган. Коллектив ўртасида обўуси балацд бўлган.

Онам билан Дуся хола мени етаклаб, артелга олиб боришиди. Мени ташқарида қолдириб, иккаласи тикувчи хотин-қизлар ишләётган хонага кириб кетишиди. Бир соат кутаман дарак йўқ, икки соат кутаман дарак йўқ. Юрагимни ҳовучлаб турнбман. Бир маҳал онам билан Дуся хола чиқиб келишиди. Иккаласининг ҳам юзларида табассум жилваланиб турарди. Буни кўриб ўзимни анча енгил ҳис этдим.

— Қалай?— сўрадим тоқатим тоқ бўллаб.

— Қалай ҳам эмас, кумуш ҳам...— деди Дуся хола.

— Олтин экан-да, бўлмаса!— деб юбордим севинчими ни яширолмай.

— Ҳа, олтин, болам!— деди онам киприкларига илашиб қолган қувонч ёшларини енгининг учи билан артаркан.— Лекин...

— Ҳали лекин-и... ҳам борми?

— Лекинсиз иш битадими, ўғлим,— деди онам ўзини дадил тутиб.— Қиз бола Ҳамид акамнинг ўзларига бир оғиз гапим бор, деялти.

Юрагим орқага тортиб кетди: Асранди болаларингиз билан бирга турмайман, десайди ҳали. Үнда нима бўла-

ди? Севги, муҳаббат деганилари, паҳотки, оҳори ўчмаган чиннидай чил-чил бўлиб кетса-я?!

— Ҳа, бунча нафасинг ичинингга тушиб кетди?— ҳазиллашиб сўради Дуся хола.— Ёки Санобар билан учрашгани қўрқаяпсанми?

— Бўлмаса, сизлар йўлдан қолманлар,— дедим онам билан Дуся холага.— Бу ёғини каминангизга қўйиб бераверинг...

Санобар атайлаб дарвоза ёнида мени кутиб турган экан. Бир қарашда кўзларим кўзларига тўқнашиб кетди. У бошидаги дуррачаси билан юзини бекитди. Яқинроқ бориб, ҳол-ақвол сўрадим.

— Келганингиз учун раҳмат!— деди Санобар ҳамон ўша туришда.— Сизга бир оғиз қарз гапим бор эдн.

— Ҳўш, жоним билан, эшитаман, Санобархон!

— Онангизга айтинг, бундан буёп ишхонамга келиб юрмасинлар. Менинг ҳам ота-онам, қавм-қариндошим бор. Уйимизга совчи юборишса... ота-онамнинг ҳам розилигини олишса...

— Үзингиз розимисиз, ахир?!

— Фронтга жўнаётганингизда нима девдим?

— Кутаман... Розиман,— деган әдингиз.

— Бўпти-да, гап битта, фақат сизни деганман!..

— Ахир, мен инвалидман-ку, устига-устак, 15 болани асраб олганман. Ҳеч қандай бойлигим ҳам йўқ. Уйлаб кўринг, яна...— гапнинг ростини айтдим.

— Ҳаммасидан хабарим бор,— деди Санобар туфлисинг учи билан ер чизиб.— Ёшингиз мендан анча каталигини ҳам биламан. Лекин, буларнинг ҳаммаси меҳр оқибатга ҳалал етказа олмайди, деб ўйлайман.

— Жуда тўғри айтасиз, Санобар!— дедим ҳаяжон билан.

Келгуси куни совчи юбордик. Буни қаранг, Дуся хола ҳам қўшилиб борибди. Мени кўкларга кўтариб мақтабди.

— Мақтамасангиз ҳам биламиз,— дейишибди Санобарнинг ота-онаси,— одамшаванда йигит, Самад бобо-

шинг ўғиллари ҳаммаси, ақлли, захматкаш.— Муносиб кўриб қизимизнинг номини тилга олишибдими, раҳмат, йўқ демаймиз. Розимиз, қўша қаришсин.

Совчилар хурсанд бўлиб қайтишди. Айниқса, Дуся холанинг ғози қулогига етгудек. Ҳайронман, бу рус аёлни нега бунча меҳр кўйиб қолди менга?! Йўқ, бир менга эмас, бутун оиласизга, асранди болаларимга меҳр кўйиб қолди. Икки гапнинг бирида «тезроқ уйланиб ол, ҳадемай уруш тамом бўлиб, йигитлар фронтдан қайтишса, қизлар ҳам ўзларига ортиқча бино қўйишади, йигит танлашади», деб ҳазиллашарди. Мана бугун Узоқ ака билан Мунаввар опанинг қизи — Санобар менга турмушга чиқишга рози бўлганидаи, ота-онаси йўқ демаганидан ўзида йўқ хурсанд у.

— Тўйга тайёргарлик кўриш керак! — деди отам онамга назарчап тижилар экан.— Тонгани-тутганингни буёнка ол, энди.

Онам эски сандиқни очиб, титкилаб кетди.

Эски латта-путталарни олиб бир жойга қўйди-да, сандиқнинг бир бурчагидан тугунча чиқарди. Отам билан менинг кўзларим онамнинг қўлларида эди. Тугунчани ечиб, онам битта тўн, белбоғ ва битта алвон кўйлакни олиб, отамга юзланди:

— Тишимнинг кавагида асраб юрувдим-а — буюрсии!

— Келинга бор-йўғи биттагина кўйлакми? — сўради отам ҳазиллашиб.

— Бори билан бош бўлади-да, дадаси! — деди онам ўзини ноқулай сезиб.— Битта ковуш ҳам олиб қўйган эдим, бу кунгача асраб келолмадим, тунов ҳафта сотиб, болаларга нои олиб берувдим.

— Санобарга совчи юборишини тагни бир ҳафта кечиктирасак, кўйлак билан тўнни ҳам бозорга олиб чиқарсан-да! — пичинг қилди отам.

— Майли, ковуш олиш биздан, — дедим.

Тўй бўлгандан кейин, кичиккина бир давра ҳам қуриши керакда, ахир!

Василий Акимович Мельникка мурожаат қилдим:

— Макарондан бироз ёрдамлашасиз, оға!

— Бажонидил,— деди у ва Дуся холага топшириқ берди:

— Омбордан Ҳамид Самадовга икки килограмм макарон, олти бухонка нон ёздириб, олиб берниг!

Минг тўқиз юз қирқ бешинчи йил биринчи Май арафасида келини келди — тўйнимиз бўлди. Болалар ҳовлини чининдек қилиб тозалашиди. Икки килограмм гурунч дамладик, таъмлигина макарон шўрва қилдик. Бошқа иложимиз йўқ эди. Ўзбекча, русча, белорус ва туркманча қўшиқлар янграб турди. Қичиккина тўй катта бир тантанадай ўтди.

Ниҳоят, биз орзиқиб кутган кун келди — уруш тамом бўлди. Ҳадемай укаларим Азимжон билан Робижон ҳам фроптдан қайтиб келишди.

— Келиннинг пойқадами ёқди,— дейишиди маҳалладагилар.— Самад бобонинг уччала ўғли ҳам урушдан эсон-омон қайтиб келишди.

— Яҳшилик — яҳшилик билан қайтади-да, Самад бобонинг ўзи халқ учун қўп савоб ишлар қилган!— дейишиди яна бошқалар.

Тўғри айтишади. Яҳшилик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермас экан.

## Иғвогар ким

Шомда дарвоза тақиллади. Данат югуриб бориб, занжирин очди.

— Самадовнинг уйи шуми?— дўриллаган ғовоз эшистилди.

— Ҳа, қани ичкарига марҳамат!— таклиф этди Данат.

Ҳовлнимизга икки киши кириб келди. Улар аввало уйни кўздан кечиришди, сўнгра супада овқатланиб ўтиришди.

ган болалар ёнига келиб, ҳол-аҳвол сўрашди. Бир пасдан кейин менин имлаб, гап бор дейишиди. Уйга кирдик. Пак-пакана йигит чўнтағидан гувоҳномасини чиқариб, менга кўрсатди. Бу одам ички ишлар халқ комиссарлиги вакили экан.

— Хўш, хиэмат?

— Биз билан бирга борасиз!— деди шериги жиҳддий қиёфада.

— Сабабини билсак бўладими?

— Ўшаёққа боргач биласиз!..

Баданимга совуқ сув сепилгандай бўлди. Хўп, майли деб уларнинг олдига тушдим. Тўппа-тўғри милисаҳонага олиб боришиди.

— Бу ерга сизни нима учун олиб келишганини биласизми?— сўради майор формасидаги қиши.

— Йўқ!

— Бўлмаса, мана бу дело билан танишиб чиқинг!— деди-да, у қўлимга бир папкани тутқазди.

— Яхши ўқий олмайман, ўртоқ майор, бирортаси ўқиб берса...

Майор кнопкани босди. Эшикдан ёшгина лейтенант қўринди:

— Эшикман, ўртоқ майор!

— Берироқ келинг!

Лейтенант майорга яқиплашди-да, тургап жойида ҳайкалдек қотиб қолди.

Майор буюрди:

— Мана бу делодаги гапларини Самадовга ўқиб беринг!

— Есть!

Лейтенант мени бошқа кабинетга бошлади. Нима гуноҳим бор экан, деб юрагим така-лука...

Лейтенант делони варақлагапича босиқ овоз билан ўқий бошлади:

— Ҳамид Самадовни каттақўргонликлар отиинг қашқасидек билншади. Фронтга ўз аризасига биноан кетга-

ни тўғри-ю, аммо лекини бор-да!.. Урушга кирмай ярадор бўлиб қайтди. Тағин иккинчи даражали инвалид эмиш. Бекор гап! Аслида, эшак аравадан йиқилиб, қўлини синдирган. Мана энди, Улуғ Ватан урушида оғир ярадор бўлганман, деб гердаяди. Уруш ҳақида гап кетганда оғзига келганини саннайди. Гўё у киши Днепр дарёсини кечиб ўтишда жасорат кўрсатганмиш. Ҳаммаси ёлғон. Тақиб юрган орден ва медаллар ҳам ўзиники эмас. Энди ўз қилмишларини хаспўшлаш учун ўн беш болани тарбияга олган. Отаси илгаридан бойвачча бўлган. Бир балоси бўлмаса, шундай қийин вақтда ўн беш болани боқиши ҳазил дейсизми?!

Лейтенант шу ерга келганида, ўзимни тўхтатаолмай, ҳо-ҳолаб кулиб юбордим.

— Майнавозчилик қилманг, сиз ҳозир қамоқдаги кишисиз!— дўқ урди лейтенант.

— Нима-нима, қамоқдаги кишисан, деяпсизми?— жаҳлим чиқиб кетди.

— Яна бир марта огоҳлантираман!— деди у сапчиб ўрнидан туаркан,— майнавозчилик қилманг!

— Ким ёзибди бу бўҳтонни, қайси иғвогарнинг қўли бордийкин?!

Лейтенант қовоқ остида менга қараб қўйди-да: «Хўш, бу ёғини ҳам ўқийверайми, ижозат берадиларми?»— деб пичинг қилди.

— Үқиманг, қуруқ тухматни эшитгим келмайди. Аввал текшириб кўринг. Агар шу гапларнинг лоақал бир фойизи чин чиқса, мени қамаш уёқда турсин, отиб ташласангиз ҳам майли.

— Отнинг калласидек юраги бор одамга ўхшаб гапи-расиз-а?— деди лейтенант ҳамон менга ишонмай.— Текширсак-текшираверамиз, лекин, билиб қўйинг ўзингизга ёмон бўлади.

— Текширинг, илтимос, фақат яхшилаб текширинг!

У папкани қўлтиқлади-да, шу ерда ўтириб туринг, деб ўзи ташқарига чиқиб кетди.

Чуқур ўйга толдим: кимнинг иши бўлса бу? Қанақа номардлик, қанақа бўхтон бу? Наҳотки, ички ишлар халқ комиссарлигининг ходимлари шу гапларга ишонишса-а? Шу тобда «ўт балосидан, сув балосидан ва қуруқ туҳматдан асрасин», деган нақл эсимга тушди. Ваҳима босгандай бўлди ўзимни.

Хонага лейтенант кириб келди.

— Дело билан танишиб чиққаплигингиз ҳақида қўл қўйинг!— деди у панкани очиб.

— Қўл қўя олмайман, чунки бу ердаги гапларнинг ҳаммаси ёлғон,— дедим.

— Ўйлаб қўринг,— деди-да, лейтенант хонадан чиқиб кетди.

Роса кутдим. Ёлгиз ўзим ўтиравериб зерикдим. Қаёққа кетдийкин бу лейтенант, деб эшикни очиб, ташқарига чиқмоқчи эдим, кифтига милтиқ осган солдатга рўбарў келдим.

— Қаёққа, қани орқага қайтниг!— деди солдат милтиқни қўлига олиб.

— Об-бо, туҳмат қопқонига илишибман-ку!— деб юбордим беихтиёр.— Буёфи нима бўлади энди?

Иложим қанча, ўтиравердим. Ўзимни ўйламайман, негаки, бояги панкадаги ёзувлар бошдан-оёқ ёлғондан иборат. Бироқ, болаларни ўйлайман. Аксига олгандай, отам билан онам, хотиним бугун қариндошимизникига қидириб кетишувди. Уларнинг йўқлигидан фойдаланиб, болаларни безовта қилишмасин, тағин.

Ўша кеча саҳаргача мижжа қоқмабман. Бирдан соқчи солдат эшикни очиб, деди:

— Сизни майор чақирияпти.

Майор эрталабки саломимга совуққина алик олди. Суҳбатни яна кечаги гаңдан бошлади. Мен ҳам бўш келмадим. Чунки, бирордан қўрқадиган жойим ўйқ.

— Ишингизни терговчига топшираман!— деди майор тўсатдай.

Унинг бу гапи томдан тараша тушгандек туюлди менга. Шунинг учун жеркиб ташладим:

— Қанақа ишимни, оқсоқол?!

Майор ғазабланди. Столни бир муштлаб, ўрнидан турди:

— Ўзингизни гўлликка солманг, Самадов! Ҳаммасини биламиз, қилмишларингиздан хабардормиз.

Кутилмаганда хонага Василий Акимович Мельник билан Дуся хола ва унинг турмуш ўртоги Ситников кириб келишиди.

— Хўш, ёғлиқроқ жой топдингми?— Сўроқсиз-истоқсиз дўконни қулфлаб, хайр-маъзурни насия қилиб қочибсиз?!— деди Ситников.

Сўнгра майорга ўғирилди-да, гап қотди:

— Сиздан илтимос, бизнинг рухсатимизсиз ишга олмайг бу кишини.

Майор ҳангу-манг бўлиб қолди. Мен бўлсам, қувончимни яширолмай, Василий Акимовичга ташландим:

— Сиздек одамларга жон садқа бўлса!..

— Нима гап, ўзи?— сўради Дуся хола майордан.— Бу ерда қандайдир бир англашилмовчилик борга ўхшайди.

— Ростданам шунақага ўхшайди,— деди Ситников оға.

Рўй берган воқеани қисқагина гапириб бердим.

Тажрибасизлик қилибсиз-да, ўртоқ майор!— деди Мельник делони кўздан кечираркан.— Бу ердаги гапларнинг турган-биттани ифво!

— Иғвогар ким ўзи?

— Бу ерда исм-фамилиясини ҳам кўрсатмабди, баччагар!— қулди Василий Акимович.— Шунча бўлмағур нарсаларни ёзишга журъат этибди-ю, фамилиясига келганд қуён юраклик қилибди. Бунақа шикоятни аноним хат дейишади.

Шундай қилиб иғвогар ким эканлигини била олмай, майорнинг кабинетидан чиқиб кетдик.

## Туташ тақдирлар

Суҳбатдошим чуқур пафас олди-да:

— Болаларнинг тақдири нпма бўлди, деб сўрамоқчи-сиз-да?— деди.

— Ҳа, уларнинг кейинги тақдири қизиқтиряпти,— дедим.

Ҳамид ака ҳикоясини давом эттирди:

— Ҳаётнинг йўллари кўп ва хилма-хил. Ҳар ким ўзи-га ярашасини танлаб олади. Мен тарбиялаган ўн беш миллат фарзандлари ҳам ўзларига мақбул бўлган ҳаёт йўлини танлаб олишган. Уларнинг тақдири бири-бирига туташ, бири-бирига ўхшаш. Ҳаммаси болали-чақали бў-либ кетишган, мамлакатимизниг турли бурчакларида истиқомат қилишади. Болаларимдан саккизтаси Совет Армияси сафида хизмат бурчими ўтаб қайтди.

Ўзимнинг ҳам олтита фарзандим бор. Асранди болаларимни ва уларнинг ўғил-қизларини қўшиб ҳисобласак, оиласиз аъзоларининг сони саксон бештага етади. Одамлар онамга ҳазиллашиб «саксон беш ёшли Мангит момо» Ўзбекистондаги энг «бой» момолардан бири дейишади.

Ҳамид ака шундай деди-да, менига бешта папка узатди. Бу папкаларга болалари йўллаган хатлар ва Самадов номига мамлакатимизниг турли бурчакларидан келган мактублар тикиб қўйилган.

— Ўн беш боланинг ҳаммаси балоғатга етгач, худди қуш каби ҳар томонга учиб кетишиди,— деди у кулиб.— Уларнинг тақдири қандай бўлганлиги мана шу хатларда айтилган. Ҳа, ўз тақдирлари ҳақида ўзлари ёзив юборишган. Бир сидра кўз югуртиринг-а! Қизиқ гаплар бор... Сизга керак бўлади, деб кеча ўйдан олиб келтирдим.

...Папкаларни титкилайман, хатларни, телеграммаларни варақлайман. Ҳамид ака айтганидек, жуда қизиқ ва ажойиб гапларни ўқийман, Ҳамид Самадов тарбия-

лаб вояга етказган ўн беш боланинг ҳаёт йўли, тақдири кўз ўнгимда памоён бўлади.

Ху, ўша қирқ тўртинчи йил қишида ярим оч-яланғоч, қор устида «нон-нон» дея нола чекиб ётган Кўчқорни энди ҳақиқий баҳодир дейишади. Уни кўрганимда бургутмисол бир паҳлавон билан учрашгандай бўлдим. У ҳаётидан, Ҳамид акадан, Майфит момодан бир умр миннатдорчилигини сўз билан ифодалаш қийинлигини айтиб, севинч ёшларини яшира олмади. Уруш тамом бўлгач, орадан ўн йил ўтиб Кўчқор синглиси Норбуви ни топиб олди. Ўн саккиз ёшида Совет Армияси сафига чақирилди. Ҳарбий бурчини ҳалол ўтаб, яна Каттақўрғон шаҳрига — Ҳамид аканикига қайтди. Самад бобо ўргатган касбни тарк этмади. Ҳозир ҳам гишт терувчи бўлиб ишлайди. Тўртта фарзанди бор, бири-биридан гўзал, одобли.

Арслонниг ҳам тақдири Кўчқорникига ўхшаш. Унинг иккита боласи бор. Арслон Совет Армияси сафигда хизмат бурчини бажо келтиргач, Ҳамид аканикига йўл олди. Тағии кам бўлмади, уни қучоқ очиб кутиб олишди, ўқитиши. Шу кунларда Каттақўрғон шаҳар касалхонасида электр-пайвандчи бўлиб ишлайди. Рафиқаси шу ерда медицина ҳамшираси. Арслон ўз оиласи билан бирга Ҳамид аканикида туради.

Ҳамид ака номига келган турли-туман хатларни ўқиётниб, ғалати бир мактубга кўзим тушди. Қуйида шу хатнинг қисқача мазмунини келтираман:

«Миллатим — тожик. Ҳамид ака мени ҳабристондан топиб, уйига олиб келган. Ҳа, ўлим чангалидан юлиб олиб келган. Қам бўлмадим. Ўн олти ёшимда Каттақўрғон сув омборида Ҳамид ака ва бошқалар билан бирга ишладим, новвойга шогирд тушдим. Сўнгра Совет Армияси сафига чақиришди. Ватан олдидаги бурчимни адо этиб, яна Ҳамид аканикига қайтдим. Орадан ўн саккиз йил ўтгач, акам — Ниёз Қурбонов мени излаб топди. Ака-ука биргалашиб онам билан опамни қидира бошла-

дик. Ўи тўққиз йил деганда онамиш, йигирма олти йил деганда онамиш топишга мусассар бўлдик. Онам шу йиллар ичидаги йиглайвериб, кўзи ожиз бўлиб қолибди. Тағин иккинчи отам — Ҳамид Самадов ёрдамга келди, бисотида борини биз билан бирга баҳам кўрди. Шундай олижаноб, инсонпарвар кишиларни уптиб бўладимп, дейслэ?! Мен у кишини ҳақли равшида ота дейман.

Хозир Яккабог районидаги Энгельс номли колхозда механизатор бўлиб ишлайди. Беш боланинг отасиман.

### Нурмаҳаммад САМАДОВ.»

Шу хатни ўқиб турганимда навқирон йигит келиб қолди.

— Кел, ўғлим, қани буёққа ўт! — таклиф этди Ҳамид ака, — меҳмон билан кўришдингми?

Бояги йигит ўзини Данат Александрович деб танитиди. У ҳам дам олгани келган экан.

Узоқ сухбатлашдик. Данат Клеников кўп миллатли катта онлада камол топганлиги, Ҳамид ака ва унинг онаси — Манғит момо билан отаси — Самад бободан беҳад миннатдор эканлигини айтди.

— Ҳамид ака билан Самад бобо мени ва мен каби яна ўн тўрт болани иссиқ бағрига олди, — деди у тўлқинланиб. — Фақат шулар туфайли ҳаётда тўғри йўл топдик. Ҳа, тўғриликни, ҳалолликни, одамшавандаликни шу хонадонда ўргандик.

Данат даставвал Каттақўрғон ёғ-мой комбинатида слесарга шогирд тушди. Армия ёшига етгач, хизматини адо этиб келди. Коммунистик партия сафига кирди. Ишлаб юрган пайтида Бутуниттифоқ озиқ-овқат саноати институтини сиртдан тамомлади. Партия Данат Александровичга катта ишонч билдириб, Каттақўрғондаги «Хлопкомаш» заводига бош инженер қилиб юборди. Бу ишончни у шараф билан оқлаяпти.



Суратда: Данат Александрович Клепиков (олдинги қаторда ўнгдан биринчи) ўз оила аъзолари орасида.

Хатларга кўз югуртираман: Мана, Рашид ўзи ҳақида буидай дебди: Отам — Салим Сандов граждайлар урушида бўлинимага командирлик қилган. Босмачиларга қарши курашга. 1941 йили Улуг Ватан урушига кетган. Қирқ тўртничи йилда ҳалок бўлган. Мен ота-онамдан жуда ёш қолганимаи. Ҳамидака қўлида тарбия тоидим. Уй-жойли, бола-чақалик бўлдим. Қасбим ўзимга ёқади— дурадгорман.

Ҳа, ҳар бир қасбнинг, ҳунарнинг ўз гашти, завқ-шавқи бор. Ҳамид акаиниг болаларидан — Суннат Катта-

қўрғон районидаги «Правда» колхозининг қурилиш бригадасида бинокор бўлиб ишлайди. Мирали билан Карим эса — илғор ишчилардан. Белорус Женя — хизматчи, татар Керим — транспортчи. Мурод — донгдор ғишт терувчи, Намхон билан Сафаргул — уй бекалари. Хуллас, ҳаётда ҳар бирининг ўз ўрип, ўз бурчи бор.

\* \* \*

Биз Ҳамид ака билан дам олиш уйида ажралишиб кетдик. Ўтағин икки кун дам олиши керак эди. Шунинг учун ўша ерда қолди. Биз Тошкентга қайтадиган бўлдик.

— Билмадим, қолган икки кунни қандай ўтказаман, сизга жуда ўрганиб қолувдим,— деди Ҳамид ака.— Лекин, уруш йилларини қандай упутмаган бўлсам, бу учрашувимизни ҳам бир умр эсдан чиқармайман. Фронтдан қайтгач, ўп беш болани тарбияга олдим, сизларга ўхшаш дўстларим қўлтиғимдан кўтаришди, далда беришди, қўлларидан келган ёрдамини аяшмади. Тагин баҳтимни топдим. Санобарга уйландим. Бола-чақалик бўлдик. Фақат бир нарсаний йўқотганман, уни энди то-полмасман. Майли, бир қўлим заиф деб ўқинмайман. Умримнинг охиригача қуролдош дўстларимни унутмасликка, уруш оловини ёқадиган ҳар қандай газапданинг адабини беришга оит ичганман. Бир қўли ишламас экан, заиф экан, деб ўйламанг. Ҳали ҳам қўлимдан кўп ишлар келади...

Ҳамид ака бирнас сукут сақлаб қолди. Сўнгра менга қараб турди-да, яна икки оғиз гап қотди:

— Менинг ўрнимда бошқа киши бўлганда ҳам худди шундай қиласарди. Илтимос, бирор нарса ёзганда жудаям ошириб юбормасангиз. Ахир, мен ҳам миллионларча қуролдошларим қатори, олижаноб совет кишилари сингари Ватан олдидаги муқаддас бурчимни бажардим, холос. Каттақўрғонга ҳам бир айланиб боринг. Гапирадиган гап кўп ҳали. Борасиз, хўпми?

\* \* \*

...Яқинда «Правда» ва «Известия» газеталарида Ҳамид ака түғрисида ажойиб лавҳани ўқиб қолдим. Сўнгра «Совет Ўзбекистони» газетасида ҳам унинг ҳақида «Самарқандда шундай киши бор» сарлавҳали лавҳа бо- силди. Яна Ҳамид ака ҳузурига йўл олдим. Бир ҳафта бафуржга гаплашдик, бола-чақалари билан учрашдим. Шундан кейин қўлимдан келгунча бир китоб ёзиб, ҳурматли китобхонларга тақдим этгим келди.



## МУНДАРИЖА

Қайнарбулсқ . . . . .	3	Биринчи ўғил . . . . .	53
Москва остоналарида . . . . .	6	Одамдан яхши ном қол-	
Ажал ва қўшиқ . . . . .	13	син . . . . .	60
Тимофеј тоганинг туши . . . . .	21	Тўрт халта кепак тарихи	75
Шакен оға фожиаси . . . . .	28	Келин келган кун . . . . .	80
Махсус топшириқ . . . . .	38	Иғвогар ким . . . . .	85
Днепр тўлқинларида . . . . .	48	Туташ тақдирлар . . . . .	90

---

На узбекском языке

**САМАД КАДИРОВ**

**ДОБРОЕ ИМЯ ЧЕЛОВЕКА**

Издательство «Ёш гвардия», Ташкент — 1975 г.

Редактор Н. Умаров

Рассом Н. Вахитов

Расмлар редактори Қ. Алиев

Техн. редактор Л. Альберт

Корректор М. Ортикова

Теришга берилди 9/VI-1975 й. Босишга рухсат этилди 19/VIII-1975 й.  
Формати 70×108½. Қоғоз № 1. Босма листи 3.0. Шартли босма  
листи 4.2. Нашр. листи 4.22. Тиражи 30000. Р-11309.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти,  
Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 72—75. Баҳоси 14 т.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти босмахонаси,  
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. Заказ № 3044.